

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

●Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ●2023-yil 28-iyun, №26 (3036)



BIZ
HAQIMIZDA

IJTIMOY-SIYOSIY, IJTIHADIVIY-MA'RIFIY, HARBIY-

@vatanparvar-bt@umail.uz
t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi
instagram.com/mudofaavazirligi

www.mv-vatanparvar.uz



Yangi maqsadlar sari

"RANGERS?
OH, YES, RANGERS!
UZBEK RANGERS!"

Hamkorlik doirasida xorijiy davlatlar bilan qo'shma o'quvlar, xalqaro musobaqalarda qatnashish orqali o'zbek harbiylari qanday natijalarga erishayotganini fakt va raqamlar orqali kuzatish mumkin.

4-5

VUJUDIDA
VATANPARVARLIK
TUYG'USI

Vatan himoyasi. Bu sharafli burchni turli soha vakillari turli vaziyatlarda amalga oshiradi. Xalq salomatligi yo'lida xizmat qilayotgan shifokor, elimiz dasturxonining to'kin bo'lishida ter to'kayotgan bobodehqon, zamonaviy binolarni qurayotgan quruvchi, yosh avlodga ta'lim berayotgan ustozlar va hokazo.

8

"RUHIYAT TETIK
BO'LSA, JISM
BAOUVVAT
BO'LADI"



19

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишланган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштариylар, тингловчи ва томошибинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг таъмал тошини қўйган жадид боболаримизнинг: «Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожи йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қуёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим», деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят мухим аҳамиятга эга эканини таъкидлашимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг бу олижаноб орзу-интилишлари фақатгина мустақиллигимиз туфайли рўёбга чиқди.

Кейинги йилларда юртимизда рўй берәётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, ҳалқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий мухит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва ҳалқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг мухим ва ажralmas қисми деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустаҳкамлаб қўйилгани бу борадаги саъй-ҳарқатларимиз бардавом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2 140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 физи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат

беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга қўйилгани ҳалқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илфор ҳалқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиқлик индекси натижалари эълон қилингани бу йўлдаги мухим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳалқаро ахборот маконига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатига узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейинги вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда Республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадиий китоб ва бошқа адабиётлар чоп этилгани китобсевар ҳалқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда мухим роль ўйнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга даромад солиги бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта мадад бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз бераётган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсак, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдидли жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайиб бораётганидан кўз юмолмаймиз.

Дунёнинг айрим минтаقا ва худудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалтишга, оқни – қора, қорани – оқ деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Ахборот маконидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда ҳалқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шарти ва талаби бўлган холислиқ, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиклик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб этишга кўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар деб билади.

Биз жамият ҳаётида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бюрократия ва коррупция каби иллатларга қарши курашишда, аввало, сиз, ҳурматли журналист ва блогерлар, айниқса миллий медиа маконимизга янги ғоя ва ташабbusлар билан кириб келаётган истеъоддли ёшларимизга таянамиз.

Шу боис кенг миёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юксак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим мұассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахassisлар тайёрланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ва ноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, ҳалқаро муносабатлар сингари йигирмадан зиёд таълим йўналиши бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат сирларини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан тайёрланаётган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз ҳамда яқинлашиб келаётган улуғ айём – Қурбон ҳайити билан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга баҳт-саодат ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкораликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қўшаётган муносабиҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика йўналишлари учун юксак малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансан:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Бутаев Шойим Примкулович – «Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудијаси» давлат унитар корхонаси муҳаррири

Мирзаяров Укташ Хайруллаевич – «Гулистон» ва «Театр» журналлари бўлим муҳаррири

Нуритдинов Хайрулла Бокиджонович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» teleradiokanalı» давлат муассасаси директори

«Дўстлик» ордени билан

Алимбекова Жумакул Мауленовна – «Нурлы жол» газетаси масъул котиби

Арипов Махмуджон Мусинович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим катта муҳаррири

Ахроров Мирасрор Мираброрович – «Овози тоҷик» газетасининг Фарғона ва Андижон вилоятлари бўйича муҳбири

Джунаидуллаева Угилой Инатуллаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

Ережепов Бахитбай Кенгесбаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Nukus teleradiomarkazi» филиали бош овоз режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси

Садиков Ҳусанбори Мирганиевич – «Муштум» журнали бош рассоми

Шаметов Бахтиёр Алметович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Toshkent» teleradiokanalı» давлат муассасаси гуруҳ бош режиссёри

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Камилов Сардор Абдурахимович – «Milliy telekanal» масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳаррири ва продюсери

Оманов Мухиддин Саттаровиҷ – «Ўзбекистон нашриёти» давлат унитар корхонасининг болалар ва бадиий адабиётлар таҳририяти мудири

Раджабов Дилшод Эсанович – «Муҳаррир» нашриёти бош муҳаррири

«Соғлом турмуш» медиали билан

Талипжанова Шафоат Манаповна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» teleradiokanalı» давлат муассасаси бош муҳарририяти катта муҳаррири

Файзиев Даврон Ахмеджанович – Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими бошлифи

«Шуҳрат» медиали билан

Абдуназаров Равшан Саттаровиҷ – «Radioaloqa, radioeshittpiriш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг Сурхондарё радиотелеузатиш маркази станция етакчи муҳандиси, Сурхондарё вилояти

Ажимуратов Азамат Лепесбаевиҷ – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ахборот бўлими бошлифи

Арслонова Жамила Амирновна – Зангиота тумани «Истиқбол» газетаси муҳбири, Тошкент вилояти

Ахмедов Иброҳим Рахимович – «Гранд» радиостанцияси бош муҳаррири ва бошловчиси

Ахмедов Қобулжон Ҳолиқовиҷ – «Mening yurtim» телеканали бош директори

Воҳидов Журъат Самандаровиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Бухоро вилояти телерадиокомпанияси монтажчиси

Давлетова Нозимахон Элдаровна – Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори

Жўраев Олим Эргашевич – Бухоро вилояти ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчisi – матбуот котиби

Исмаилов Музаффар Абдуллаевиҷ – «Daryo.uz» веб-сайти раҳбари

Кайсаров Тимур Адихамовиҷ – «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти масъул котиби

Кенжаев Руслан Алишеровиҷ – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррирининг ўринbosari

Қосимова Нориниса Эргашевна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими бош муҳассиси

Мадумарова Бахринса Тўхтасинқизи – «Zamon.uz» веб-сайти бош муҳаррирининг ўринbosari

Мазитов Абдураим Маликовиҷ – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг мӯқовалаш цехи ишчиси

Мамиров Суюндик Махамматовиҷ – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бош муҳассиси

Муминов Эргаш Абдумигатовиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbektelefilm» давлат муассасаси саҳналаштирувчи кинорежиссёри

Насирова Иродоҳон Ҳусановна – «Zo'g TV» телеканалининг продюсери ва бошловчиси

Отабоева Гулнора Ҳосилжоновна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси «Aср» студияси сиёсий шарҳловчиси

Расулов Баҳодир Баҳтиёровиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали телевозоратори

Рахимова Раъно Мирфазиловна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» teleradiokanalı» давлат муассасаси сухандони

Рахимходжаев Зайниддин Ҳусниддиновиҷ – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи муҳассиси

Ризаев Ақбар Мансуровиҷ – Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлифи

Рузиева Фазила Мухторовна – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ихтисослашган фонд ва мажбурий нусхаларни сақлаш хизмати раҳбари

Сайдов Икром Тулягановиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Махсус автокорхона» давлат муассасаси ҳайдовчиси

Тошниязова Гулмира Ҳусановна – «Kip.uz» веб-сайтининг Тошкент шаҳри бўйича муҳбири

Умаров Дилшод Содиковиҷ – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo bo'yab» telekanali» давлат муассасаси эфирга узатиш бўлими бош режиссёри

Уринбаева Севара Кучкаралиевна – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари – жамоматчилик билан алоқалар бўлими бошлифи

Хайтахунов Шукур Джалиловиҷ – Жалақудуқ тумани «Жалақудуқ ҳаёти» газетаси муҳаррири, Андижон вилояти

Шодиева Лолажон Озодовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» радиоканали режиссёrlар бўлими бош режиссёри

Яхишибоева Озода Абдужалоловна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

«Rangers?»

Дунё давлатлари армиялари рейтинги уларда мавжуд қороласлаша, ҳарбий техника, ҳарбий хизматчиларининг

сони ва жанговар тайёргарлиги ҳамда шунга ўхшаш бошқа омиллар билан белгиланади. Ана

шу омиллар қаторидан ҳалқаро ҳарбий ҳамкорлик ва офицер кадрлар ҳамда сержантларнинг касбий маҳоратини шакллантириб бориш жараёни ҳам

ўрин олган.



Oh, yes, rangers! Uzbek rangers!»



Ҳамкорлик доирасида хорижий давлатлар билан қўшма ўқувлар, ҳалқаро мусобақаларда қатнашиш орқали ўзбек ҳарбийлари қандай натижаларга эришаётганини факт ва рақамлар орқали кузатиш мумкин. Бундан ташқари, республикамизда мавжуд полигонлар, дала-ўқув майдонлари, тоғ тайёргарлиги ўқув-машқулар маркази ва унинг ҳудудий базаларида бу жараён мунтазам тарзда ўтказиб келиниши эришилаётган ютуқларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқулар марказида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ҳарбийлари билан ҳамкорликда ташкилластирилган «Кичик командирлар ва етакчилик курси» ҳам шулар жумласидандир.

Сиз у ерда дастлабки бир йилни 1-босқич курсанти сифатида ўтказасиз. Чунки тажрибали офицер ва сержантлардан келгуси хизмат фаолиятингизда дастуриламал бўладиган сабоқларни ўрганасиз. Кўпгина тажрибали офицерлар олий ҳарбий таълим муассасаларини тутагиб, қўшинларга йўл олаётган ёш командирларга мана шу тарзда оқӣ ўйл тилаганига бир неча марта гувоҳ бўлганимиз. Аслида ҳам шундай. Чунки бу маслаҳатни берган тажрибали офицерлар мазкур жараённи ўз бошидан ўтказгани аниқ. Ёш офицерларнинг қўшинлар таркибида командирлик қобилиятини шакллантириб бориши учун барча имкониятлар мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, қўшма ўқувлар, ҳалқаро мусобақалар, республика миқёсидаги ўқув машғулотларида қатнашиш орқали касбий маҳорат мустаҳкамланиб боради. Буюк Британия ҳарбийлари иштирокидаги бир ойлик назарий, амалий ва тактик ўқув машғулотларида бунга бир бор гувоҳ бўлдик.

Машғулотлар беш нафар британиялик сержант иштирокида ўқув синфларида назарий машғулотлар билан бошланди. Унда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ҳарбийлари махсус дастурлар бўйича «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқулар маркази ҳудудига мос тарзда ўтказилиши мумкин бўлган мавзуларни фотослайд ва видеолавҳалар ёрдамида тингловчилар эътиборига ҳавола этди. Навбатдаги мавзуга ўтишдан олдин ўзластирилган билимлар якунланган мавзу бўйича савол-жавоблар орқали мустаҳкам-

лаб борилди. Дарслар жараёнида британияликлар машғулотлар тўрт босқичдан иборат бўлишини таъкидлаб ўтди. «Кичик командирлар ва етакчилик курси»нинг аҳамияти ҳамда уни ўзластириш бўйича якуний натижалар эълон қилиниши тингловчиларга етказилди.

Иккинчи ҳафта давомида кичик командир ва сержантлардан иборат ҳарбий хизматчилар гуруҳларга бўлинниб, жанговар қуроллардан фойдаланиш, ниқобланиш, номаълум





худуд харитасини чизиш ва ўша худудда ўзлаштирилган кўнигмаларга таянган ҳолда ҳаракатланиш машқларини бажарди. Машғулот қатнашчилари томонидан номаълум ҳудуд харитасини чизиш жа-

машғулот қатнашчилари денгиз сатҳидан 1,5 км баландлиқда жойлашган ҳудудда альфа ҳамда дельта гурухларига бўлинган ҳолда, тактик ҳаракатларни амалга оширди. Ушбу жара-



раёнида автомат ўқдонлари, қум, тош, ип, махсус тасмалар, дарахт шохлари, барглари, ўт-ўланлар ва турли анжомлардан тўғри фойдаланган ҳолда, жой рельефининг тасвирланиши эътиборга олинди. Шу ўринда хорижлик мутахассислар ва йиғин қатнашчилари тоғли ўрмон шароитида бўлиб ўтадиган асосий машқларга пухта тайёргарлик кўриб боришиди.

Бир неча кунлик назарий ва амалий тайёргарликдан сўнг қўшма

кўплаб ўзбек ҳарбий хизматчиларининг инглиз тилини мукаммал билиши хорижлик мутахассислар билан қўшма машғулотнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади.

Бир ойлик ўқув курсини тутагтган офицер ва сержантларга Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги армиясининг махсус сертификатлари топширилди. Шунингдек, йиғинда фаол қатнашган тўрт нафар ҳарбий хизматчи – капитан Азизбек Бақоев, катта лейтенант Феруз Матқурбонов, лейтенант Полвонназар Исмоилов, лейтенант Тимур Шерматов сертификат ва кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Тақдирлаш маросимида мудофаа вазири ўринbosари полковник Қодиржон Турсунов, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Тимоти Торлот, элчихона ҳарбий атташеси иштирок этди.

Машғулотлар бошланишидан олдин сержант Ренни Дарруэл «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар марказида яратилган шарт-шароитлар сабабли ўқув курсида юқори натижаларни кўлга киритиш мумкинлигини, бир ойдан сўнг йиғин қатнашчилари ушбу ҳудуднинг ҳақиқий тоғ овчилари, ўрмон изтопарларига хос командирлик даражасига эришишини таъкидлаб ўтганди.

- Худди рейнджерлар сингарими?
- Oh, yes, rangers! Uzbek rangers!
- P/S.** Рейнджерлар (rangers) турли давлатлар армияларида мавжуд полк, рота ва бўлинмаларнинг номи бўлиб, професионал овчи, ўрмон изтопари, махсус отлиқ жангчиларига нисбатан ишлатилади.

Камолиддин АСРОР

ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида офицер бўлишни мақсад қилиб, белгиланган муддат давомида танлаган соҳалари бўйича таълим-тарбия олган ўғлонларнинг навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди.

нерал-лейтенант Баходир Қурбонов иштирок этиб, ёш офицерларни самимий қутлади. Уларга таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар ва ота-оналарнинг меҳнатини эътироф этди.

лар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари битирувчиларни қутлаб, уларнинг келгуси хизмат фаолиятларида ва шахсий ҳаётларида улкан муваффакиятлар тилади. Ёш



Мамлакатимиздаги энг нуғузли ва таянч олий ҳарбий таълим муассасаси саналган Қуролли Кучлар академиясида ўтказилган битирув тадбира мазкур олий ҳарбий

таълим даргоҳи ҳамда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси битирувчилари сафларга кузатилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ге-

мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам битирувчиларга ўзларининг самимий тилакларини билдирилар. Шунингдек, ота-она-

лейтенантлар билдирилган юксак ишончга муносиб фаолият юритишга вайда бердилар. Битирув маросими турли саҳна ҷишилари ва концерт дастурлари билан давом этди.



САМО ЛОЧИНЛАРИ ПАРВОЗГА ШАЙЛАНДИ

Қарши шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юртида само лочинлари сафларга тантанали равишда кузатилди. Бу йилги тадбир билим юрти шонли тарихида 26-битирув сифатида ўрин эгаллади.



Тадбирда мудофаа вазирининг ўринбосари – Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони генерал-майор Аҳмад Бурҳонов, Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондони генерал-майор Зайнобиддин

Иминов ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққанлар битирувчиларни ҳаётларидаги ушбу унутилас кун билан қутлади ҳамда келгусидаги фаолиятларига омад ва зафарлар ёр бўлишини тилади.

Ҳа, бу битирувчилар 5 йил мобайнида билим юртида замонавий билим олиб, интеллектуал салоҳиятли кадр бўлиб етишди. Эндилиқда улар Қуролли Кучларимизнинг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари таркибида муносиб учувчи

ва муҳандис сифатида хизмат фаолиятларини бошлайдилар. Албатта, ўғлонларнинг танлаган соҳаси бўйича эгаллаган бор билим ва кўнкимларни бу борада муҳим дастуриламал бўлиб, касбда камол топишларига улкан хисса қўшиши шубҳасиз.

ОҚ ЙҮЛ, ВАТАН МАРДЛАРИ!

Мамлакатимиздаги яна бир нуфузли ва таянч олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири саналган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилган битирув тадбирлари юқори савияда ташкил қилинди.



Билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонларини мудофаа вазирининг жанговар тай-

ёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик



кенгashi аъзолари, Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларидан келган меҳмонлар биргаликда тантанали топширдилар. Уларга янги-янги до-вонларни забт этишларида толмас

куч-қувват тиладилар. Ёш офицерлар хам зиммаларидаги улкан масъулиятни хис қилган ҳолда, ўзларига билдирилган юксак ишончни келгусидаги муносиб фаолияти билан оқлашга ваъда бердилар.

ЮКСАК ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ



Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ўтказилган битирув маросимида белгиланган муддат давомида танлаган соҳаси бўйича таълим-тарбия олган курсантлар ҳам қўлларига диплом ва кўкрак нишонларини олар экан, муассасада яратилган шарт-шароитлар, берилган билим, тажриба ва кўнижмалар учун миннатдорлик билдирилар. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар ёш офицерларни самимий табриклаб, келгуси фаолиятларига улкан зафарлар тилади.



Битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини мудофаа вазирининг тарбиявий ва мағкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгashi аъзолари ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда тантанали топширди.



Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларнинг битирув маросимлари юқори савияда ўтказилди. Жойлардаги байрамо-

на тадбирларда ёш лейтенантлар тантанали марш билан сафларга кузатилди.

Ўз мухбирларимиз

ВУЖУДИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТҮЙГУСИ

Ватан ҳимояси. Бу шарафли бурчни турли соҳа вакиллари турли вазиятларда амалга оширади. Халқ саломатлиги йўлида хизмат қилаётган шифокор, элимиз дастурхонининг тўкин бўлишида тер тўкаётган бободеҳқон, замонавий биноларни қураётган қурувчи, ёш авлодга таълим берадиган устозлар ва ҳоказо. Уларнинг барчаси Ватан ҳимоячилари. Эгнига ҳарбий либос кийиб, деярли бутун умрини ана шу мақсадга сарфлаган инсонлар борки, улар ҳақида тўхтамасликнинг иложи йўқ.



Мустақилликнинг илк ийларида миллый армиямиз шакллантирилиб, ҳарбий хизмат турлари унга мос тарзда мувофиқлаштирилди. Ўз касбининг усталари бўлмиш офицер ва сержантлар шахсий таркибини етказиб берувчи ўқув муассасалари ташкил этилди. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасидан келиб чиқсан ҳолда, ҳарбий хизматга лаёкатли ҳар бир йигитта Ватан олдидаги бурчини ўташ имконияти берилди. Қисқа қилиб айтганда, ийлар давомида барчамизнинг кўз ўнгимизда Ўзбекистон армиясининг, Қуролли Кучларининг бугунги кунги шакл-шамойили ҳозирги кўринишда қад ростлади.

Ўз-ўзидан ҳаммада ҳам эгнига ҳарбий либос кийиб, қалбида, шуурида, онгода ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиш, мадхия садолари остида, давлатимиз байроби баландларга кўтарилган ҳолатда Ватанга қасамёд қилиш онларини ҳис қилиш имконияти мавжудми, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, бор. Сафарбарлик чақириви резерви батальонидаги хизмат қилиш. Кўча тили билан айтадиган бўлсак, бир ойлик хизмат. Бундай имкониятдан фойдаланувчилар учун бу



хизмат турининг рейтинги офицерлик ёки сержантликка ўқиш, муддатли ҳарбий хизматни ўташга боришдан асло қолишмайди. Ушбу қиёслаш кимгadir fayritabiiy эшитилиши ёки ажабланарли бўлиши мумкин. Аммо йўлингиз тушиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда фаолият олиб бораётган мазкур ҳарбий бўлинмаларга борсангиз, ажабланишдан заррача асар қолмайди.

Тошкент, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятлардаги сафарбарлик чақириви резерви батальонларида Ватанга қасамёд қилиш онларининг қанчалик масъулияти, қанчалик ҳаяжонли бўлишини йигитларимиз нигоҳларида кўп марта кузатганимиз. Кўпчилик учун бу онлар бир умрга ҳаётининг

унутилмас лаҳзалари бўлиб қолади. Шунинг учун Ватанга қасамёд қабул қилиш куни сафарбарлик чақириви резерви батальонлари олди ота-оналар, йигитларнинг яқинлари билан тўлиб-тошади. Яна бўрттирилди, дейдиганлар бўлиши мумкин. Бу бўрттириш эмас. Фарзандининг улғайиб, Ватан, оила, киндиқ кони тўкилган муқаддас замин ҳимоячиси бўлганини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси эмасми?! Албатта, шундай. Буни ўз бошидан ўtkazib kўрган инсонлардан сўраб кўрганда, бир кун келиб, шу ҳаяжонли дақиқаларни ўзингизнинг вужудингизда ҳис қилганда, албатта, барча шубҳа-гумонларнинг тарқаб кетиши ани.

Чирчиқда жойлашган сафарбарлик чақириви резерви батальонида Тошкент шаҳрида яшаётган йигитлар хизмат бурчини ўтайди. Артиллериячилар ҳарбий қисми билан ёнма-ён, янги қурилган ҳарбий бўлинмага кириб борган ҳар қандай инсон бу ердаги соғлом мухитни ҳис қилади. Шинам ва замонавий ётоқхоналар, ўқув бинолари, ошхона, спорт зали, кенг саф

Мангуберди синфларида ҳарб илми тарихидан сабоқ беради. Амалий машғулотлар компьютерлаштирилган тирда отиш машқлари билан мустаҳкамлаб борилади. Тушликдан кейин машқлар давом эттирилиб, кечга яқин спорт зали ва маданий-маърифий хонадаги машгулотларга вақт ажратилади. Хуллас, сафарбарлик чақириви резерви батальони ҳар бир йигит учун ҳаётининг янги саҳифасини очади.

Тез кунда бу ерда хизмат бурчини ўтаётган йигитлар Ватанга қасамёд тантанасида қатнашиш баҳтига муюссар бўлади. Ҳаяжонли лаҳзалар. Мадҳиямиз садолари остида, давлатимиз байроби кўтарилган вазиятда саф тортиб турган юзлаб йигитлар янги ҳаётга қадам қўйишади. Ота-онаси, ака-уаси, опа-сингиллари, дўстларининг табриклигига «кўмилади». Одатдагидек, кимнингдир кўзида Ватанга садоқат туйғусидан ёш қалқиди. Яна кимнингдир нигоҳида айнан шу туйғудан шодонлик акс этади. Кўз ўнгингизда вужудида Ватан ҳимояси ҳисси борлар гавдаланади.

– Сафарбарлик чақириви резерви батальонида хизмат қилиш имкониятини яратиб берган Ёшлар ишлари агентлигининг Яккасарой тумани бўлимига ўз миннатдорлигимни билдиromoқчиман. Мана, хизмат ҳам охирлаб қолди. Бу ерда кўплаб дўстлар ортиридим. Энг асосийси, бир ой бўлса-да, ҳарбийчасига Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳиссини тўйдим, – дейди яккасаройлик Сардор Қобилов. – Тўғрисини айтсан, амакимга савдо-сотик соҳасида кўмаклашиб юрган кезларим, оиласманга моддий жиҳатдан ёрдамчи бўлган пайтларим ўзимни улғайгандек ҳис қилгандим. Аммо ҳарбий хизмат даврида ҳали кўп нарсаларни ўрганишим кераклигини англаб етдим. Офицер ва сержантлардан олган сабоқларим кейинги фаолиятимда анча қимматли бўлишига ишонаман. Логистика – юк ташишни ташкиллаштириш соҳасида колледж дипломим бор. Келгусида шу соҳада тадбиркорлик қилмоқчиман. Қисқа қилиб айтганда, бир ойлик хизмат даври ҳаётимнинг унутилмас лаҳзалари бўлиб қолади.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»**

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Сайлов жараёни сайлов кампаниясими эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур руҳни остида берилаётган мақолалар сайлов билан боғлиқ масалаларни осон ва асослантирилган тарзда тушунишингизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

САЙЛОВЧИЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ЖОЙИ ВА ВАҚТИ ҲАҚИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШ

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади.

Муддатидан олдин овоз бериш 28 июнь – 5 июль кунлари ўтказилади.

Муддатидан олдин овоз берishни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Шунингдек, сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда сайловчиларга муддатидан олдин овоз берishни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуклар тушунирилади.

ОВОЗ БЕРИШ БҮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ОЛИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА САҚЛАШ

Участка сайлов комиссиялари сайлов участкасидаги сайловчилар умумий сонининг 5 фоизи миқдорида сайлов бюллетенлари ҳамда конвертларни округ сайлов комиссиясидан муддатидан олдин овоз берish бошланишига камида уч кун қолганида оладилар.

Масалан: муайян сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилганлар сони 2 000 нафар бўлса, демак, участка сайлов комиссияси 2 000 бюллетеннинг 5 фоизини, яъни 100 дона бюллетени олади. Шундан сўнг овоз берish кунига 10 кун қолганидан бошлаб, ўрнатилган тартибда муддатидан олдин овоз берish жараёнини ташкил этади ва ўтказади. Сайлов кунига уч кун қолганида эса қолган овоз берish бюллетенларини, яъни **95,5** фоиз миқдордаги овоз берish бюллетенларини округ комиссиясидан оладилар. Чунки Сайлов кодексига мувофиқ, участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони участка бўйича рўйхатларга киритилган фуқаролар сонига нисбатан ярим фоиздан ортиқроқ бўлиши мумкин эмас.

Ушбу талабга мувофиқ, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясидан, жами бўлиб сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар умумий сонининг 100,5 фоизи миқдоридаги бюллетенларни олиши лозим.

Юкорида қайд этиб ўтганимиздек, муддатидан олдин участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясидан 5 фоиз миқдордаги, асосий овоз берish куни, яъни овоз берish кунидан камида уч кун олдин эса 95,5 фоиз миқдордаги бюллетенларни олади.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛГАН ҲОЛДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИНИ ЎТКАЗИШ

Муддатидан олдин овоз берishни амалга ошириш учун сайловчи тегишли участка сайлов комиссиясининг аъзосига **ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни қўрсатади** ҳамда сайлов кунидан бўла олмаслигининг сабаблари (*таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо*) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан **сайлов бюллетени ва конвертни олади**.

Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунидан бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка сайлов комиссиясининг камида **икки нафар аъзоси ҳозирлигига сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди**.

Сайлов бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «×» белгиси қўйиб тўлдирилади.

Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини **конвертга солади ва елимлаб ёпади**.

Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзосига топширади.

Участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзоси сайловчи ҳозирлигига конвертнинг **ёпиқлигиги текширади ва конвертнинг елимланган жойига участка сай-**



лов комиссиясининг **икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб**, улар комиссиянинг **муҳри билан тасдиқланади**. Конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг **сейфидаги сақланади**.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРГАН САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ, УМУМЛАШТИРИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ

Участка сайлов комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТдаги сайловчилар рўйхатида дарҳол (сайловчи томонидан муддатидан олдин овоз берish жараёни амалга оширилиши тугаши билан) муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилashi шарт.

Ушбу муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони тўғрисидаги маълумотларни кечиктирмасдан округ сайлов комиссиясига етказиб беришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Сабабки, ўтган сайлов ва референдум жараёнларида сайловчилар муддатидан олдин овоз берган, лекин айрим участка сайлов комиссияси аъзолари муддатидан олдин овоз берган сайловчилар ҳақида миқдори муддатидан олдин овоз берish жараёни тугаганидан сўнг ҳам овоз берish жараёни амалга оширилган деган хуносага олиб келади. Бу эса сайлов қонунчилиги талабларини кўпол равиша бузиш хисобланади.

Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзgartишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади.

Участка сайлов комиссияси котиби сайловга уч кун қолганида ўз худудидаги сайловчиларнинг охирги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка сайлов комиссияси раисига тақдим қиласади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИНГ САЙЛОВ КУНИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Участка сайлов комиссияси раиси сайлов куни овоз берish биносига келганидан сўнг участка сайлов комиссияси аъзоларининг барчаси

сайлов участкасида келганлигини, келмаганлар бўлса, уларнинг йўклиги сабабларини аниқлаши ва зарур бўлса, уларнинг етиб келишини ташкил қилиш чораларини кўриши лозим.

Сайлов участкасида оид бўлган барча жиҳозлар жой-жойида турганлигини яна бир бор кўздан кечиради.

Сайловчилар рўйхати алифбо тартибида тайёрлиги ва бюллентларга икки нафар участка комиссияси аъзоси ўз имзоларини қўйганлигини ва бюллентларга участка сайлов комиссияси муҳри босилганлигини текширади.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА ВАЗИФАЛАРНИ, САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ ВА БҮЛЛЕТЕНЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ, САЙЛОВ ҚУТИЛАРИНИ ПЛОМБАЛАШ

Участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан комиссия аъзоларининг овоз берish кундаги вазифалари белгиланади.

Участка сайлов комиссиясининг бир нафар аъзоси сайлов участкасида ташриф буюрган маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни рўйхатга олиш учун масъул қилиб белгиланади.

Участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси заруратга қараб (яъни сайловчиларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаати асосида), сайловчиларнинг турган жойида кўчма кутилар ёрдамида овоз берishини ташкил этишига масъул қилиб белгиланади.

Участка сайлов комиссиясининг бир нафар аъзоси СЖБАТ дастури ёрдамида сайловчиларнинг мурожаатига асосан, уларни тизимдан қидириб топиб, уларга тегишли маълумотларга аниқлик киритишига масъул қилиб белгиланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларига, сайловчиларга тартибли равиша сайлов бюллентларини бериш мақсадида сайловчилар фамилияси алифбо кетма-кетлигига сайловчилар рўйхати асосида тақсимлаб берилади.

(Давоми бор)

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**



Сўнгги йилларда мамлакатимизда Қуролли Кучларимиз ҳарбий салоҳияти ва интеллектуал қудратини янада ошириш борасида халқаро ҳарбий алоқаларга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хориж армияси илғор тажрибаларини ўзаро ҳамкорликда ўрганиш, уни амалиётга жорий қилиш анъанаси кун сайин ўзининг юқори палласига кириб бормоқда.

ДЎСТЛИК ВА ТАЖРИБА МУСТАҲКАМЛАНДИ



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Қуролли Кучлари мұхандислик қўшинлари бўлинмалари мутахассисларининг мамлакатимизга ташрифи ни ҳам шу йўлдаги муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этиш ўринлиди.

З кун давом этган ҳамкорликдаги амалий машғулотлар «Чирчиқ» умумқўшин полигонида юқори сифат ва форматда ташкилластирилди.

Қўшма ҳаракатларнинг биринчи кунида иштирокчи давлатлар Қуролли Кучлари қўшинлари бўлинмалари махсус-тактик ва махсус тайёргарлик бўйича машғулотларни яқиндан кузатди.

Унда мұхандислик сапёр бўлинмалари шахсий тарқиби учун мұхандислик разведка дозорининг қўшинлар ҳаракати йўналишини разведка қилишдаги ҳаракати намойиш этилди. Сўнгра мұхандис-техниклар ва ме-

ханик-ҳайдовчи мутахассислари учун ҳаракатни таъминловчи отряднинг турли хил тўсиқлардан, хусусан, заарланган ҳудудлардан ўтишини таъминлаш бўйича амалий кўргазмали машғулотлар бўлиб ўтди.

Тактик жараёнлар махсус разведка, йўл очувчи, кўпприк ўрнатувчи мұхандислик техникаларини жалб қилган ҳолда амала оширилди.

Машғулотларнинг З-куни бўлинмалар иштирокида биргаликдаги комплекс махсус-тактик машғулотлар бўлиб ўтди. Унда ҳамкорликдаги мұхандислик разведка дозори ва ҳаракатни таъминловчи отряд таркибида мұхандислик бўлинмалари ҳаракати амалга оширилди.

Хусусан, бўлинмаларнинг ҳаракатланиш йўналишларидаги кўпприклар душман томонидан портлатиб юборилганида, ҳаракатни таъминловчи отряднинг оғир механизацияшган кўпприкларини барпо этиш бўйича амалий ҳаракатлари кўрсатиб ўтилди. Душман томонидан ма-

соғадан ўрнатилган мина майдонларидан ўтиш йўлакларини очиш борасидаги тактик ҳаракатлар ҳам шулар жумласидан.

Машғулотлар давомида ҳарбий делегациялар вакиллари пойтахтимизда жойлашган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмусидаги «Матонат мадҳияси» ёдгорлиги, «Шон-шараф» давлат музейи, шунингдек, Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм фаолияти билан ҳам яқиндан танишиди.

МДҲга аъзо давлатлар қўшинлари бўлинмаларининг биргаликдаги машғулотлари нафақат мамлакатлар ўтасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, балки шахсий таркибининг замонавий дунёқараши, тезкор фикрлаши, ҳар қандай экстремал вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш малакасини ошириши билан ҳам қимматлидир.



Катта лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»

АМИР ТЕМУР БАЙРОГИДАГИ УЧ ХАЛКА НИМАНИ АНГЛАТТАН?

Ҳар қандай салтанат ақл, адолат, күч пойдеворида қад тиклади. Тангри салтанат тегирмонини юргизишни ҳамма халқнинг пешонасига бирдек битган эмас.

Тарих бунга гувоҳ.



Ота-боболаримиз сув бошига кўп бор келиб-кетдилар. Чарх айланиб, авлодларга ҳам навбат етди... Ўтганларнинг изини хотирламай, оқсан дарё ўзанларидан сувни қайта оқизмай, куч-кудратни тиклаш оғир...

Яна айтадиларки, «Эскини эсламоқ савоб». Эски биргина эскилиги учун ёдланса, эскилигича қолади. Мерос қайта тикланиб, авлод «қон»ига пайванд қилинса, янгиланади. Чинакам отамерос мулкка айланади. Биз бу ўринда салтанат пойдеворининг мұхим таянчи - күч ва унинг ақл-заковат, тадбиркорлик билан уйғунылиги хусусида сўз юритмоқчимиз.

Салтанат кучи, аввало, шижаотли, жасур аскарларда намоён бўлади. Соҳибқирон Амир Темур жаҳонгирликка киришганда ёдида маҳкам сақлаган тўрт нарса қаторида лашкарнинг ўзагини ташкил этган уч юз ўн уч хос аскарини алоҳида таъкидлаб айтади: «...уч юз ўн уч асил зотли, шижаотли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштиридим. Бирлик итифоқда шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, ръйлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишини қиласлилар деб қарор қилсалар, тутатмагунларича ундан қўл узмас эдилар».

Амир Темур бул хос йигитларининг тенгсиз жасоратлари ҳақида ўз Тузугида кўп бор тўхталиб, улар сараларидан сараланган «...акл-хуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди», деб таъкидлайди. Соҳибқирон буйруғи билан

уларнинг ўнтаси - ўнбоши, юзтаси - юзбоши, мингтаси - мингбоши, яна ўн иккиси амир, бири амир ул-умаро этиб тайинланган.

Амир Темур ҳамиша шижаотли кишиларни ўзига дўст тутди, ардоқлади. Яхшиларига яхшилик қилди, ёмонларини ўз ёмонликларига топширди.

Тарихчилар Амир Темурнинг озгина аскар билан душманларининг кўп сонли лашкарини енгиб, қалъаларни олганлигини қатор мисолларда ёзиб қолдирган.

Соҳибқирон аскарларидаги ҳайратомуз куч-кудратнинг сири нимада? Айни савол ҳаммани қизиқтириши табиий. Бу сир, аввало, саркарданинг тадбиркорлиги, қолаверса, аскарларнинг кучлилиги ва ишончларида эди. Сарбоз кучи ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Куч йиғисла, ишонч туғилади. Ишонч ғалабани таъминлайди. Кучга эришиш учун куч берадиган илмни билиш керак. У қандай илм ўзи? Амир Темур лашкарида шундай илм бўлганми? Йўқ, деб айтишига тарих, боболаримиз кўрсатган жасоратлар, қолаверса, Амир Темурнинг ўз ҳаётидаги кечирган суронли воқеалар имкон бермайди. Соҳибқирон шонли юришлари аввалида кечган Алибек тутқунидан озод бўлган пайтларини эслаб айтади: «Кучли ва чакқон билакларим иш бериб, сокчилардан бирининг қўлидан қиличини тортиб олдим-да, уларга ҳамла қилган эдим, бариси қочиб қолди». Қуролсиз тутқун хушёр турган соқчи қиличини тортиб олиб, бутун тўпни бир ҳамлада тумтарақ қилиши учун қанчалик мохир жангчи бўлиши керак?

Кўллар ўз-ўзидан чаққон ва кучли бўлмайди. Кучни күч илми пайдо қилади, маҳоратга пайваста этади. Салтанатлар күч илми соҳиби

бўлмиш лашкарли сардоргагина насиб этган.

Амир Темур салтанат тузган экан, лашкарининг кучу қудратини дўсту рақиб тан олган экан, ўзи ва лашкари куч илмидан хабардор бўлиши шарт эди. Лекин аниқ ёзма маълумотлар йўқлиги бизни иккаплантиради. Айни пайтда куч илмини ёзиш, бегоналарга ўргатиш ёсоқ бўлганлигини, ота ўғлига, устоз шогирдигагина бор илмини мерос қолдириш анъана сига қатъий амал қилинганинг ёдга олсак, қўлёзма манба ахтаришдан кўра, халқ хотираси ва қон ёди (генетик хотира) кўпроқ маълумот бериши мумкинлигига амин бўлмазиз (ўзбек курашчилари ва боксчилари, жанг санъати вакилларининг халқаро ғалабаларининг бир асоси қон ёдида турибди).

Айтадилар: «Бор йитмас, йўқни йўндириб бўлмас!»

Қадим туркий жанг санъати «минг аскар» устаси - Машарип (Машраб) Жуманиёзов - уста Маджу билан сўхбатлашиб, ҳалқимизда бутун борлиқ моҳияти билан уйғун, фалсафий мифологик дунёқарашлар асосида шаклланган, қатъий тизимга эга - бир аскарга минг аскар кучу қудратини берувчи жанг илми бўлганлигини билди.

Уста Маджунинг ота-боболари - «Жума учар»лар авлоди бу илм сирларини авлоддан авлодга ўтказиб, шу кунгача саклаб келишган. Уста Маджу айтади: «Жанг санъати уч тумор (халқа), ўттиз уч йўл, бир бутун тизимдан иборат. Ҳар бир йўл ичида ўз усууллари бор. Ҳисоблаб чиқилса, роппа-роса минг усул ҳосил бўлади. Бир киши шу минг усуулни ўрганса, «минг аскар»га тенг келувчи, ҳар қандай салтанатга таянч ёнгилмас кучга айланади». «Минг аскар» мақоми соҳиби бўлади.

Ақлга бўйсунмаган дали куч бузғунчилик келтириши мумкин. Ота-боболаримиз бу хатарли оғат зарарини яхши англаб етганлар. Шу сабабли тан ва руҳ тарбиясини уйғунликда, вобасталикда олиб боришган. «Минг аскар» жанг санъати тизимида ана шу уйғунликнинг мумкаммал кўриниши намоён.

Эътибор беринг: уч ҳалқа - 1-тонг отиши, 2-туш вақти, 3-кун ботиши. Тумор (ҳалқалар)нинг жойлашуви Амир Темур байроғидаги уч ҳалқа тасвирига ҳам мос келади. Уттиз уч йўл эса ушбу уч ҳалқа теварагига кўёш чиқиб ботгунига қадар вақт оралиғида бир-бир жойлашади.

«Минг аскар» жанг йўлларининг тартиби: 1. Товус тонги. 2. Шамол қилич. 3. Аскарлар ўйини (1). 4. Қанотли пичноқ. 5. Тепа кўз. 6. Соя ўйин (1). 7. Ёввойи от. 8. Қўша таёқ. 9. Қурол ўйин (1). 10. Оловли йўл. 11. Аскарлар ўйини (2). 12. Чаён ҳимояси. 13. Ялтирок қилич. 14. Сеҳрли таёқ. 15. Довюрак лочин. 16. Енгилмас асо. 17. Қайсар қурол - жабр қурол - қайтар қурол. 18. Заҳарли найза. 19. Оловли бархан. 20. Олтин қурол. 21. Қўша қилич. 22. Бўри ови. 23. Аскарлар ўйини (3). 24. Йилдирим қилич. 25. Қурол ўйин (2). 26. Қирқ оёқ. 27. Темир тирсак. 28. Соя ўйин (2). 29. Учар ҳанжар. 30. Белбоғ қилич. 31. Аскарлар ўйини (4). 32. Аждарҳо қаҳри. 33. Тошбақа - темир қалқон.

«Минг аскар» жанг санъати усуулларининг биринчиси «Товус тонги» деб номланиши бежиз эмас. Одатда кеча-кундуз фикр-ёди жанг билан бўлган аскарнинг кўзи қонга тўлиб, тап тортмай ҳақу ноҳақни янчиб, йўқ қилиб кетиши ҳеч гап эмас. «Товус тонги» машқи аскарни сокинлаштиради, хаёлларини тинитади. Кўнглида бутун борлиқ

билил бирлик ҳиссини уйғотади. Аскар борлиқ билан уйғуналашади. Бир сўз билан айтилса, ҳар бир аскар жаннат қуши - товусга эврилади. Навбатдаги машқлар шу сокин асосга қурилиб, аскар машқлар зинасидан бир-бир кўтарилиб борган, ўттиз иккинчи машқ «Аждарҳо қаҳри»га етганда ёнгилмас қудрат касб этган. Сўнгги машқ «Тошбақа - темир қалқон»ни эгаллаган аскар тани ва руҳида йиғилган кучни жамлаб, бир қалъа қуриб, ҳар бир қадамини билиб босгувчи, рақиби заррача устунлик имконини қолдирмайдиган, сокин, доно алл сифатида тунги оромга кетган.

Соҳибқирон Амир Темур даврига келиб «минг аскар» жанг санъати оммавий тус олган. Амир Темир ўнбоши, юзбоши, мингбоши, амирларни тайинлашда номзодларнинг қанча жанг усулини билишига ҳам алоҳида эътибор берган. «Минг аскар» жанг усулини мукаммал билиб, жасорат кўрсатган жангчилар маҳсус ўн мушт узунлигига, қалинлиги отнинг кўзидек келувчи, оғирлиги беш кило чиқадиган олтин қурол билан тақдирланган. Бу қурол билан ҳар қандай ҳамладан ҳимояланиб, ҳар қандай жангчани мағлуб этиш мумкин бўлган. Чунки минг усул соҳибида бу олтин яроқ сеҳрли қудрат касб этган. Унга жангчининг насли, туғилган жойи, кўрсатган жасоратлари ёзиб қўйилган.

Олтин - қудрат берувчи маъдан. Олтин қурол жангчани товуснинг ҳолатига соглан. Товуснинг жаҳли чиқмайди. Шунча зеб-зийнати, гўзллиги бўлса-да, секин юради. Жангчи ҳам оғир-босик бўлса, вазиятнинг хожасига айланади. Олтин қуролнинг сеҳрли кучи ҳам шунда.

«Минг аскар» жанг санъати машқларини оммавий ўтказиши, урушда қўллаш тартиби ҳам бу санъатга асос қилиб олинганд товус табиати, хатти-ҳаракатларига уйғун келади. Эътибор берилса: товуснинг патларини ёйиб-йиғиб ўз гўзллигини намойиш этиши, бошини сарак-сарак этиб, атрофни синчиклаб кузатиши «минг аскар» жангчиларининг сардорлари етакчилигида душман тўпига ҳужум қилишлари, жанг олиб боришларига улгу қилиб олинган.

Уста Маджу тез-тез қайтарувчи яна бир гап бор: «Қадим туркий жанг санъатининг «минг аскар» деб аталишига сабаб унда минг жанг усулининг борлигигина эмас, бу бир аскарнинг минг усулни эгаллаб, минг аскарга айлана олишига ишорадир. Бир усулни билганга аскар деганлар. Ўн усулни билган - ўн аскар, юз усулни билган - юз аскар, минг усулни билган эса минг аскар деб аталган».

«Минг аскар» жанг усууллари фақат урушиш йўл-йўриги эмас, айни дамда мустаҳкам соғлиқ, жисмоний-руҳий қувват машқларидир. Бу машқларни мунтазам равишда бажарган киши соғлом бўлган, умрига умр қўшилган. Кони тозарип, руҳи камолот босқичларига кўтарилиган. Шундай экан, «минг аскар» жанг санъати усуулларини тўлиқ қайта тиклаб, оммалаштириш бугунги кун учун, ҳалқ ва авлодлар саломатлиги, руҳий юксалиши учун ҳам зарурдир.

Ўзбекистон аскарларини «минг аскар» мақомида кўрайлик, дунё шундай танисин!

**Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари доктори,
фольклоршунос олим
Oyina.uz сайтидан олинди.**

TÜRKİYE
ÖZBEKİSTAN
İLİŞKİLERİ

O'zbekiston
TURKIYA
ALOQALARI



МАНЗАРАЛАРИ

Тарихий манбалар – ҳужжатлар ҳақиқат парчаларини ўзида жамлаган, сокин, жим турувчи донишманд бир кишига ўхшайди. Унга яқинлашсанг, сенга ўтмиш сирларини – бугунги талотумлар қачон ва қай тарзда бошланганини ёки илмнинг аслини ёки анчадан буён сени қийнаб келаётган саволларга жавобларни, қисқаси, тўғри йўл ишораларини беради. Буни бир гап билан «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир», дейди Абдулла Қодирий.



Бухоро амири Абдулаҳаддон

ТАРИХИМИЗНИНГ ЯҚИН ВА ЙИРОҚ, ТИНИҚ ВА ХИРА

ТАРИХ БИР ОЙНА, УНГА ҚАРАГАН ЎЗИНИ КҮРАДИ

Менинг ҳозирча билганим, миллатимизнинг тарихи 7 минг йил нарига бориб тақалади. Шарқшунос олим Абдусаттор Жуманазарнинг бу гапи ва Онақут ҳақида, Самарқанд, Бухоро ҳақида, суюкли таом сумалак ҳақида, баҳодир ва енгилмас жангчилар – Тунга ҳақида тўлиб айтганлари, фикр ва холосалари тарихий манбалар, ҳужжатлар билан асосларади. Ҳозирги замон кишисида ҳайрат, илмга чанқоқлик тобора камайиб бораётганини куониб гапиради.

Ўрхун-Энасой тошбитиклари, Истахрий, Ибн Хавқал, ал-Муқаддасий асрлари, қадимий ва шарафли Туронда бўлган сайёхларнинг хотиралари, буюк туркий хукмдорларнинг дипломатик ёзишмаларида ўрганилмаган маълумотлар шунчалар кўпки, ақлинг шошади. Кейинги йилларда уларнинг аксарияти жонкуяр олимлар томонидан ўрганилиб, бирма-бир чоп этилмоқда. Истахрийнинг «Китаб масалик вал-мамалик» – «Ўлкалар ва йўллар китоби» (2019 йил), Ниёз Мұхаммад Ҳўқандийнинг «Ибрат ул-хавоқин» – «Худоёрхон ва унинг авлодлари тарихи» (2014), америкалик дипломат Южин Скайлернинг «Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари» асари (2019) ва бошқалар шулар жумласидандир. Булар қаторининг аввалидаги энг кўхна юонон, хитой, ҳинд, форс, Рум ва Византия тарихчилари асрларидаги Ўрта Осиёнинг 2500–3000 йил аввалги ўтмишига доир маълумотлар тўплланган Зоҳир Аъълам таржимасидаги «Қадими тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида» (2008) китоби айнича, кўплаб олимларнинг тадқиқот манбаига айланиши мумкин. Унда Широқ, Тўмарис, Спитамен, скифлар ва сўфларнинг Доро ва Александр Македонскийга қарши жанглари, қат-қат тупроқлар остида қолган воқеалар тафсилотлари берилган.

Бу асрларда ҳалқимизнинг яшаш тарзи, фазилатлари, улуғ шахслари ва энг муҳими, айнан газетамиз ўқувчиларини қизиқтирадиган ҳарбий ишларга оид маълумотлар, музaffer саркардалар фаолияти, аёвсиз жанглар ва эътироф этиш керакки, кейинги юз ийлиллардаги фожиалар са-

баблари битилган. Афсуски, бу китобларнинг адади жуда кам, 500 ёки 1 000 нусха атрофда босилган.

ЎЗБЕК – ТУРК ҲАЛҚЛАРИ-НИНГ ИЛДИЗИ БИР

Яқинда Ўзбекистон ва Туркия давлат архивлари ҳамкорлигига тайёрланган «Ўзбекистон – Туркия алоқалари ҳужжатларда» деб номланган тўпламнинг PDF шакли кўлимга тушди. 2022 йили турк ва ўзбек тилларида нашр қилинган бу китоб-альбом Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўған ҳамда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кириш сўзлари билан бошланган. Эрдўған «Давлатлар инсонлар каби туғилади», деб бошланган сўзида «Онадўлиниң руҳий раҳнамолари»ни «буюк ҳалқнинг Ватани бўлган ва бугунги Ўзбекистон Республикаси жойлашган ҳудудни ўз ичига олган бепоён Туркистон минтақаси»дан йўлга чиққанини эътироф этиб, «бир миллат ва цивилизация ҳавzasининг авлоди ўлароқ тарихий муносабатларимизни, давр ва минтақавий шароитлари туфайли амалга ошган ёки ошмаган орзуларимизни ўрганиши бизга келажак учун ўзига хос йўл кўрсаттич вазифасини бажаради», дейди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбек – турк ҳалқларининг илдизи бир, маънавияти муштарақ», деб бошланган сўзида «архивларни том маънода маданий ва тарихий маълумотлар ҳазинаси» ўлароқ бу иш «нафақат икки давлатнинг тарихий муносабатларини ёритиб беришга, балки қардош ҳалқларнинг азалий дўстligини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, «ушбу китоб-альбом кўп минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган туркий ҳалқлар давлатчилик тарихини ўрганишда муҳим манба бўлади. У истиқболдаги янги илмий ёндашув ва тадқиқотларга зamin бўлиши билан бирга, ёш авлод онги ва тафаккурини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади», дейди.

Мазкур китоб-альбомни яратиш истаги давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Туркияга амалга оширган ташрифи чоғида туғилган эди.

ТУРК СУБАЙЛАРИ ТУРКИСТОНДА

Ушбу архив ҳужжатлари тўпламига Қўқон, Хива ҳонликлари ва Бухоро амирлигининг Усмонийлар салтанати билан савдо-дипломатик, маънавий ва маърифий-маданий алоқалари тарихига оид 113 та

хужжат киритилган. Электрон китоб-альбомни варактрайман, араб имлосидаги ҳужжатлар гўзал бир нақш каби эътиборни тортади. Уларнинг табдили ҳам кўнгилга нақш каби жойланади.

«Ўзархив» агентлиги директори Улуғбек Юсуповнинг қайд этишича, бу нашрга Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Туркистонга келган турк ҳарбий офицерлари ва уларнинг ҳаётларига оид манбалар ҳам киритилган. Шу ўринда Аҳмад Заки Валидийнинг «Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи» деб номланган «Хотиралар»ида ўқиганларимни эслайман.

«Хивада туркиялик асир зобитлардан бир қанча киши бор эди. Паҳлавон Ниёз ҳукумати уларни Тошкентдан келтирибоқ бир ҳарбия мактаби очган эди. Бошларида ускудорли Ризевон бей, Ҳусан бей бор эди. Мактабларида 100 тага яқин ўзбек талаба бор эди», деб ёзди Валидий. Аммо Москва вакили Сафаров уларни Хивадан узоқлаштириш мақсадида турли иғво ҳамда фитналарни ўшидиради.

Туркистон озодлик ҳаракатига кўшилган Анвар пошшо Валидийга шундай деган эди: «Мен Тальят пошшога ўшаб Берлин кўчаларида арман ўқидан ўлишини истамайман. Мен ҳаётимни туркий ҳалқлар озодлиги учун фидо қилишини хоҳлайман. Агар ғозий бўлмасак, шаҳид бўлиб ўлармиз». Анвар пошшо сўнгги жанглари кунларида афғон хони Омонуллахондан Афғонистонга ўтиш таклифини олади. Аммо у «Мен қатъян шу ерда қоламан, ўлсам, дўстларимнинг юртида устимга тортиласидан тупроқ топилар», деган мазмунда жавоб йўллади.

Бу хотиралар ва китоб-альбомдаги ҳужжатлар ҳар икки ҳалқнинг азалий бирордарлигини исбот этиш билан бирга бугунги авлодга муҳим ва тиник тушунчалар беради.

АЛИ ҚУШЧИННИГ «ҒАЛАБА РИСОЛАСИ»

Ўзбекистон ва Туркия давлат архивлари томонидан ҳамкорлиқда тайёрланган ҳужжатлар тўпламида Мирзо Улуғбек даврига оид қизикарли ҳужжатлар ҳам жой олган. Уларнинг бири Турк сultonи Мұхаммад II нинг Ироқ сultonи Азим устидан ғалаба қилгани муносабати билан 1473 йили Истанбулда ёзилган ва астрономияга бағишиланган «Рисола ал-фатҳия» («Ғалаба рисоласи»)ни турк тилига таржима қилиш бўйича подшоҳ фармонидир. Архив ҳужжатида 1830 йилда Усмонли армияси учун тўпчи ва ҳарбий истехкомлар курувчиларни тайёрловчи ҳарбий мактаби ўқув жараёнида дарслик сифатида кўллаш учун мазкур асар турк тилига таржима қилинади. Асар ушбу мактабнинг бош устози Сайд Али бей томонидан «Миръоти олам» («Олам ойнаси») номи билан таржима қилиниб, нашрга тайёрланганлиги баён этилган. Ҳозирги замон турк тарихчиларининг эътироф этишича, Истанбулга Али

Күшчи келгунига қадар «илми хайъатда у дараја бир соҳиб вуқуфи маєжуд бўлмаган эди». Истанбулга Али Күшчи келиши билан бу мамлакатда қисқа муддат ичидаги астрономия фани соҳасидаги ишлар йўлга кўйилди ва пировард натижада Мирам Чалабий ва бошқа атоқли олимларни тарбиялади.

Мана ана шу ҳужжатнинг табдили:

Марҳум Али Күшчининг астрономияга оид «Фатҳия» номли китобининг муҳандисхонайи ҳумоюн бошустози Саййид Али бей томонидан «Миръоти олам» номи остида туркчага қиласа таржимаси босилиб, муҳандисхона кутубхонасига кўйилишига доир ҳатти ҳумоюн (подшоҳ бўйрги)

21 июн, 1830 йил.

Ҳұмбараҳона (темир ёки бронздан ясалган, думалоқ ва ичи бўш, портловочи моддалар билан тўлдирилган тўп билан ёки кўлда отиладиган бомба ишлаб чиқариладиган жой) нозирининг ушбу тақрир ҳатти ва китоб камина томонидан кўриб чиқилди ва ҳатда баён қилинган хусуслардан хабардор бўлдим. Ислим зикр қилинган Али бейга устозлик берилиб, қизил рангли ёзувда кўрсатилиб, китоб нашр қилинсин ва Муҳандисхона кутубхонасига иккى юз эллик дона кўйилсан.

Ҳұмбараҳонаи Амира нозири Аҳмад афанди қулингизнинг тақрир ҳатидир ва ҳатда кўрсатиб ўтган китоб билан бирга сиз подшоҳ ҳазратларининг кўздан кечиришининг учун тақдим ва ҳавола қилинди. Китобни таржима қиласа Муҳандисхонайи Ҳумоюн бошустози Али бей қулингизнинг энг катта орзуси Ҳожагон жамиятига кўшилиш эканлигини вазир қулингизга оғзаки тарзда айтиб ўтди. Мукофот тариқасида унга «Хосе»лик дараҷаси тортмик қилиниши ва таржима қиласа Муҳандисхонайи Ҳумоюн кутубхонасига кўшилиши каби

хусуслар подшоҳ ҳазратлари томонидан ҳам муносиб деб топилса, бўйрук ва фармон сиз, афандимизга оидdir.

Муҳандисхонайи Ҳумоюн устозлари вақти-вақти билан математика, геометрия ва муҳандислик илмлари билан боғлиқ китоб ёзишлари ва таржима қилишлари шартдир. Лекин Муҳандисхонайи Ҳумоюнда қоидага мувоғиқ ўқитилиши ва ўрганилиши жуда муҳим ҳамда керак бўлган математика илмининг ўрта қисмини ташкил қилувчи астрономияга оид бир қанча китоб бор бўлса ҳам ҳаммаси арабча ва французчадир. Бу илмдан барча муҳандислар хабардор бўлишлари учун улар туркча бўлиши ва муҳандисхона ўқувчиларига ўқитилиши қоидалар талабидан келиб чиқиб, Муҳандисхонайи Ҳумоюн бошустози Саййид Али бей буюк олим марҳум Али Күшчининг арабчада ёзган «Фатҳия» номли китобини подшоҳ ҳазратлари шарофати билан туркчага таржима қилип тамомлади ва «Миръоти олам» («Олам ойнаси») номини берди.

Ушбу китоб амалдаги қонунга асосан, подшоҳимизга тақдим қилиниши ва кўпайтирилиши муҳандисхона учун зарур бўлганлиги боис нашриётда босилиб, муҳандисхона кутубхонасига иккى юз эллик нусха кўшилиши сиз, садраъзам ҳазратлари томонидан муносиб деб топилса, бўйрук ва фармон сизга оидdir.

(муҳр)
АС-САЙЙИД АҲМАД

Бугунги кунда ушбу асарнинг кўлёзмалари Машҳадда Имом Ризо, Истанбулда Ая София, Техрон университети, Кембриж университети, Дехлидаги Ҳиндистон университети, Бомбей, Берлиндаги Германия давлат кутубхонаси каби жаҳоннинг машҳур кутубхоналари ва Британия музейида сақланади.



САЙЙИД МУҲАММАД МУҚИМХОНГА НОМАЙИ ҲУМОЮН

Шу ўринда яна бир мактубга эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Үнда битилган аччиқ ҳақиқат XIX аср охириларда Ҷор ҳукуматининг Туркестонни бутунлай тор-мор этиб, парчалаб ташлашига сабаб бўлганини англайсиз.

Ўзбек ҳонларидан Балҳ хони Саййид Муҳаммад Муқимхонга Бухоро хони амакиси саййид Убайдуллахон билан ораларида чиққан тушунмовчиликни яхши йўл билан ҳал қилишига доир юборилган номайи ҳумоюн (подшоҳ бўйрги)

27 май, 1702 йил

Орият, жасорат, қаҳрамонлик, адолат, диндорлик, буюклик ва иқбол эгаси, Ислом сарҳадларининг посбони, Ҳанафий мазҳабининг эргашуечиси, мусулмонларга оид ҳудудинг ҳимоячиси, адолат таъминловчиси, Турон ҳонларининг сараларидан бўлган шони улуг Балҳ хони ас-Саййид Муҳаммад Муқимхоннинг – иззат ва иқбол шуълалари юксаладиган жойлардан мардликнинг ойдин нурлари доимо порлаб турсин ва иззатнинг қуёшлари тутилиши ва йўқ бўлиш камчилигидан доим холи бўлсин – юқсанк томонларига, улуғлаш ва икром тожининг безаги бўлишга ярашадиган ва оқибати ўзаро лутф бўлган саломлашиш зебигардонлари ва безакли эҳтиром тожини ясатиб, ойдинлатишга муносиб деб топилган ва оқибати аҳбоблик бўлган порлоқ эсонлик тилаша инжулари, сultonий мулозамат ва виждоний назокат воситалари билан армуғон қилинади.

Бундан сўнгра зоти олийларининг оплок нур сочган кўнгилларига хуш қаршилануб, қабул қилинадиган келишиш ўзида расмиятчилик илиа мұхабbat ва дўстлик тимсолини ҳам кўрсатади.

Садоқат ва тўғрилик хазинасининг калити, сафо ва ҳузур кўшикунинг қандили бўлган кўнгилни хотиржам қиласадиган ва мазмуни билан инсонни көвонтирадиган номангиш, сўлар ва ўйлар ўтиб, пайдо бўладиган тумор марвариди бўлган ва куну туннини уловчи восита ҳисобланувчи баракали ва шарафли вақтда, яқин қадрдан одамларимиздан Абдулбоқий бей восита-

сида диккатга сазовор тарзда етиб келди, подшоҳлигимизга муносиб қутлуг ва муборак қараашларимиз орқали ўзига хос тарзда қарши олинди.

Номангиздаги садоқат, бегуборлик ва соғлиқ «Руҳлар ўғиб бир жойга олиб қелинган аскарлардир. Улардан бир-бiri билан танишганлар ўзаро келишиб оладир», ҳадисида ўз ифодасини топган азалий яқинликдан хабар берадиганлиги ҳамда руҳий ва диний ҳамжихатликни асос қилиб олаётганлиги учун ҳам муқаддас файз ва илҳомларнинг кетма-кет қилишига сабаб бўлди ҳамда «Ва сенга ўзимдан мұхаббат солдим», оятида ифодаланганидек, томонингизга дўстлик ва мұхаббат юзини буриб, самимий муносабат ўрнатилди.

Бироқ ушбу холис номангида байён қилинганидек, ифтихор диёри ҳисобланган Бухорода ҳукмдорлик қиласадиган амакингиз Саййид Убайдуллахон билан орангизда юзага чиққан душманлик ва нафрат, душманларни көвонтириб, Исломнинг мустаҳкам устунининг заифлашишига сабаб бўлади, ҳеч ҳам тўғри ҳисобланмайдиган ва барча мавжудотлар Робби жаноби Аллоҳнинг ризолигига номусиб иш бўлиб, зиддиятнинг қайтадан келишиш ва музокрага айланishi ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан ўта мұхим эканлиги кундай равшан.

Шу сабабдан, ҳар қанча ҳаддидан ошиш ҳаракати биринчи бўлиб амакингиз томонидан амалга оширилган бўлса-да, сиз оқибати мақтадиган, моликлар давом эттириб келаётган яхшилик ва ғизаллик билан муомала қоидасига амал қилиб, юзага чиққан ушбу манманлик ва ҳасадегўликка, холис дўстлик билан жавоб берши орқали «Мўминлар бир-бируни қаттиқ тутуби турувчи бино кабидир» ҳадисининг маъносида мос тарзда ўртанизда

томувлек ва келишиш биноси ни имтифоқ қучи орқали мустаҳкамлаб, айрилиқ ўйуни ҳар томондан тўсиб, подшоҳ насиҳатимиз билан тўғри ўйлни топиб, «Ва қалбимизда иймон келтирғанларга нафрат қиласа маган» оятидаги муборак мазмуннинг ортидан боришига қаттиқ ғайрат қиласадигиз.

Ҳар нарсага қодир ва ҳамма нарсани билгувчи жаноби Аллоҳ мусулмонларининг кўнгил билгигини, узоқ ўйлар бўйича пасткаш коғирлар тартибининг бузилиши ва будпарастларнинг зиллатга тушишларига сабабчи қиласин.

Зоти олийларининг хайрли ниятлар билан юборган хабарчингиз элчилик вазифасини ва унинг талабларини гўзал бир тарзда адо этди, хилъат кийдирис маросими ўтказилиб, ортга қайтишига руҳсат берилди ва ундан сўнг ушбу гўзал ва латиф номайи ҳумоюнимиз билан сизнинг садоқати томонингизга қараб ўйләг чиқди.

Ва ниҳоят, саодат ва улуғлик кунларингиз доим буюқ Яратгувчининг ёрдам ва кўплови ила бардавом бўлсин, ҳеч тугамасин.

Усмонийлар давлати орқали ҳаж сафарига бораётган Туркестон мусулмонларига, шунингдек ҳонликлар ва амирлик элчиликарига, савдоғарларга кўрсатилган эҳтиром ва ғамхўрлик, фарғоналик Тошпўлат исмли йигитнинг турк ҳарбий мактабларидан бирига қабул қилиниб, таълим харажатларининг қопланишига, Туркестонда яшатган турк фуқароларига доир ноёб маълумотлар мұхассамлашган мазкур китоб-альбом иккى қардош давлат ўртасидаги алоқаларнинг келгусида янада ривожланишига ишонч ўйғотади кишида.

Хайрли бўлсин!

Фурқат ЭРГАШЕВ



Али Күшчи Султон Фотих Мөхмәт II ҳузурида

ХАРБИЙ ОИЛАЛАРДА ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ

Оила – мураккаб ижтимоий, психологик, педагогик, маданий ҳодиса ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлиги ва келажак авлодга ўз таъсирини кўрсатадиган ижтимоий мақон. Инсон оиласида вояга етар экан, ундаги барча ижобий фазилатлар айнан оиласида мухитда шаклланади.



Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби кўплаб олимлар оила масалалари юзасидан ўзларининг дурдана фикрларини тарихда қолдириб кетгандарки, улардан маънавий мерос сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Шарқ мутафаккирларининг барчасини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оиланинг, оиласи тарбиянинг ролини юқори қўйишган, айниқса, шахснинг ақлий ҳамда ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ҳамда тарбияловини вазифаларига алоҳида эътибор берганлар. Улар фақат оиласидагина ривожланиши мумкин бўлган ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор хислатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан бирга, инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмаларни ўз фалсафий, этник, социологик ва психологик қарашларида ифодалаб берганлар.

Оиласи муносабатлар ва бу соҳага оид қарашлар тизимида Шарқ мутафаккирларидан бири, бутун Европа халқлари унинг қомусий билим-донлигини тан олган аллома Абу Али ибн Синодир. Буюк олим сифатида у барча ҳодисаларнинг илмий моҳиятни очиб беришга ҳаракат қилган. Ибн Синонинг педагогик ва психо-

логик қарашлари ижтимоий асосда курилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилнинг қўлланишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи ота-оналарга болани қаттиқ тана жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган. Мутафаккирнинг қаламига мансуб бўлган «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Тиб қонунлари», «Ўй ҳўжалиги» каби қатор асарлар Марказий Осиё халқларининг ахлоқ-одоби, психологияси ва табобат оламида алоҳида ўрин тутган йирик илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия масалаларида аллома оиласи тарбиянинг ўрнини алоҳида таъкидлаган. Оила ва оиласи муносабатлар масаласи унинг «Тадбири манзил» асарида ўзига хос тарзда баён этилган. Оиласи муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, Ибн Сино, аввало, оила бошлиғи олдига қатор талабларни қўяди. Оила бошлиғи, деб ёзди у, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тарбия масалаларини мукаммал ўзлаштироғи лозим. Агар оила бошлиғи тажрибасиз бўлса, у ўз оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир-оқибат у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди, ёмон тарбия нафақат ушбу оила, балки қўшниларга, махалла-қўйга ҳам ёмон таъсири қилиши мумкин. Оиласидаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қаттий назар, уларнинг бирламчи вазифасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Ота-она давлат бошлиғими ёки оддий фуқароми, барибир у бола тарбияси борасида масъулдор. Давлат бошлиқлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари

лозим. Ибн Синонинг бола тарбияси, тарбия психологияси ва раҳбарларга қўйган ушбу талаблари ўша даврда қанчалик зарур бўлса, бизнинг бугунги кунимида ҳам у ўз кучини йўқотгани йўқ.

Харбий оиласидаги тарбия функцияси аксарият ҳарбий оиласидаги учун энг муҳими ҳисобланади, деб таъкидлади. Бу ерда учта жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– оила жамоасининг унинг ҳар бир аъзосига бутун ҳаёти давомида тизимли тарбиявий таъсири;

– ота-оналарнинг фарзандлари олдиғаги доимий масъулияти, уларни ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини такомиллаштириш билан фаол шуғулланишига ундаш;

– ота-оналарнинг фарзандларига психологик ва педагогик таъсири;

– тўғри мулокот жараёнини олиб бориш;

– фарзандлар билан бўладиган муносабатлар.

Оиласидаги ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар услуби авторитар, демократик, авторитар-демократик, демократик-авторитар бўлиши мумкин.

Авторитар услуб катталарнинг кичикларни максимал таъсирига бўйсундириш, уларнинг ташабbuslарini тўхтатиш, талабларини қаттий бажариш, уларнинг хатти-ҳаракатлари, қизиқишилари ва ҳатто истакларини тўлиқ назорат қилиш истаги билан тавсифланади. Бунга кичик ёшдагиларнинг ҳаётини доимий назорат қилиш ва жазолардан фойдаланиш орқали эришилади. Баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг шахсини шакллантириш масаласини мум ва лой деб билишади. Агар бола қаршилик кўрсатса, у жазоланади, калтакланади, бола ўз ҳоҳиш-истакларини, иродасини эркин намоён эта олмайди. Бу услуб бир томондан, ёшларни тарбиялайди ва уларда катталар учун мақбул бўлган муносабат ҳамда хулқ-авторни шакллантиради. Иккинчи томондан, болаларда катталардан узоқлашиш, душманлик, норозилик, тажовузкорлик, бефарқлик ва пассивликни келтириб чиқаради.

Демократик услуб катталарнинг кичиклар билан илик муносабат ўрнатишига, муаммоларини ҳал этишга, жалб этишга, ташабbuskorlik ва мустақилликка ундашга интилиши билан ажralib туради. Катталар ўз талабларининг сабабларини тушунтирадилар, уларни муҳокама қилишга ундейдилар, кичиклар итоаткорликни ҳам, мустақилликни ҳам қадрлашади. Болалар билан муносабатларда улар кўпинча назорат ўрнига ишончга таянади. Тарбиянинг асосий воситалари сифатида маъқуллаш, рағbatlanтириш қўлланилади. Бу услублар бола психологиясида мустақиллик, масъулията, фаоллик, дўстлик, бағрикенглик хисларини шакллантиради.

Аслида, авторитар ва демократик тарбия услублари соғ шаклда уччалик кенг тарқалган эмас, одатда, у ёки бу услугба (авторитар-демократик, демократик-авторитар) яқинроқ бўлган муроса варианти кўпроқ қўлланилади. Бу услубларнинг фарқи шундаки, улардан бирида авторитаризм ёки демократия ҳукмонлик қиласи.

Оиласи тарбия жараёнини қўйидаги вазифалар ҳал этилади:

– шахс шакллантишида унинг қобилиятлари ривожланади ва қизиқишилари кенгаяди;

– жамият томонидан тўплланган ижтимоий тажриба татбиқ этилади;

– оила аъзоларида меҳнатга масъулията билан муносабатда бўлиш туйғуси мустаҳкамланади;

– колективизм туйғуси, хулқатвор меъёрларига риоя қилиш зарурати ошади;

– интеллект бойитилади, эстетик ва жисмоний ривожланиш амалга оширилади, санитария-гигиена маданияти қўнкимлари шаклланади.

Бола шахснинг шаклланшида оила қўйидаги психологик ва педагогик имкониятларга эга:

1) боланинг жисмоний ва ҳиссий ривожланишини таъминлайди. Гўдаклик даврида эрта болалик муҳим роль ўйнайди;

2) боланинг психологик ва физиологик шаклланшига таъсир қиласи;

3) боланинг ақлий ривожланишида етакчи роль ўйнайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдиги, тўлиқ ва нотўлиқ оиласидаги ўстдан болаларнинг ақлий ривожланишидаги фарқлар сезилади;

4) боланинг ижтимоий нормаларни эгаллашида муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотларга кўра, турмуш ўртофуни тўғри танлаш ота-онанинг оиласидаги мулокоти, оиласидаги муҳит ва муносабатлар билан белгиланади;

5) шахснинг ижтимоий ривожланишини олдиндан белгилаб беради. Майқуллаш, қўллаб-қувватлаш, бефарқлик ёки қоралаш шахснинг даъволарига таъсир қиласи; ўзгарувчан шароитларга мослашишга ёрдам беради ёки тўскинлик қиласи;

6) шахснинг асосий қадрият йўналишларини шакллантиради.

Ҳарбий оиласидаги ижтимоий, психологик, педагогик хусусиятларини таҳлил қилиш ҳозирги вақтда баъзи тенденцияларни акс эттиради:

– ҳарбий хизматчиларнинг оиласидаги аввалгилик, никоҳ асосларининг мустаҳкамлиги билан тавсифланмайди, гарчи улар қийинчиликларга, машаққатларга ва турмуш тартибсизликларига бардош бериш учун етарлича юқори мослашувчан қобилиятга эга бўлса ҳам;

– оиласидаги муҳит ота-онанинг ўз масъулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-қўй ҳам катта ибрат мактабидир. Халқимиз «Қуш уясидаги кўрганини қиласи», деб бежиз айтмаган. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши кепрак. Чунки бола табиатан тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиласидар. Оиласидаги қўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз ҳатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий хизматчилар оиласидаги фарзандларга, аввало, оиласи тарбиянинг асосий ҳиссий тарбиялари, ахлоқ нормаларига риоя қилиш, қийинчиликларни енгib ўтиши ўргатиш уларда ироданинг мустаҳкам бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, оиласи муносабатларни тўғри олиб бориша демократик услубдан фойдаланиш, бола билан дўстона муносабатда бўлиш боланинг ҳаракати ва қобилиятлари ижобий шаклланшига таъсир қиласи. Оиласидаги фарзанд тарбиялашда улкан ва зарур ижтимоий вазифалар юкланган бўлиб, ота-онанинг шахсий ва ижобий намунаси фарзандларнинг комилликка етиши учун гаровдир.

**Ф. ҲАЙДАРОВ,
Қуролли Кучлар академияси
профессори,
психология фанлари номзоди
М. ОБИДЖНОНОВА,
катта ўқитувчи**

Бу бор-йўғи икки бетдан ошадиган ҳикоя. Асли асар қиммати саҳифаларнинг кўп ёки камлиги билан ўлчамайди. Чунки ўзида олам-олам маъно юклаган бир-икки гапдан иборат ҳикоялар – драбблар ҳам бор.

Ҳикоянинг номи «Сабр». Унчалик эътиборни жалб қилмайдиган ном. Кўрганингдан ўқиш истаги уйгониб қолмайди. Аммо муаллиф номига ҳам кўп нарсалар боғлиқ-да. Бунинг устига мамлакатимизнинг энг нуфузли журнали «Жаҳон адабиёти»да (аслиятдан Гулруҳ таржимаси) эълон қилинган бўлса.

Адабиётсеварлар учун И smoil Бўзқурт номи яхши таниш. Чунки унинг асарлари турли йилларда «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият», «Гулистон» ва «Муштум» журнallарида эълон қилинган. Ўқувчиликимизга аввал ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, адилар биографиясидаги журналист деган сўз ҳамиша улар ижодига катта қизиқиш билан боқишимга сабаб бўлган. Қибрислик (Кипр) таникли журналист, давлат арбоби, ёзувчи И smoil Бўзқурт асарларини электрон шаклда ҳам бемалол топиб ўқиш мумкин.

Бугун одатимизга хилоф равища китоб тавсия этмадик. Ҳикоя ўқиймиз, «Сабр» ҳикоясини. Рости, бу кичик ҳикоя мени анчагина ўйлантириди. Ҳикоя қаҳрамони газетадан бамбук ҳақида ўқиди. Ҳикоя мени ҳайратга солди, газетадаги мақола ҳикоя қаҳрамонининг эса фурурига тегди.

Ўқиймиз: «Хитойликларнинг салкам фалсафалашган бамбук экиш жараёни ёмғир мавсумида бошланаркан.

Уруг чуқур қазилган ерга кўмилгач, роса сугориларкан.

Бу иш йил бўйи давом этаркан. Қазилган чуқурга гўнг ташлаб, тинимсиз сув берилааркан.

Биринчи йилда ерга экилган бамбук уруғининг униб чиқишини умид қилиш бехуда эмиш. Иккинчи, учинчи, тўртинчи йилда ҳам уруг ниш урмасмиш. Ниҳоят, бешинчи йил деганда уруг униб чиқармиш.

Ва икки йил ичida бамбукнинг бўйи 27 метрга борармиш.

Яъни бамбук оғочи экканлар роса тўққиз йил кутганларидан кейин унинг дараҳтга айланганини кўра олишармиш.

Шунинг учун Хитойда бамбук ўстириш кутлуғ иш саналармиш.

Хитойда бамбук сабр тимсоли, сабр сўзининг маънодоши эмиш».

Буларни ўқир экан, ихтиёrsиз ўйга толдим. Қизиқ, бизда ҳам шундай дараҳтлар бормикан? Бор бўлса, қайси бири? Бешик қайси дараҳтдан ясалар эди? Усталар қаердан олишар экан хомашёни? Бирор ерда бешикчи усталарга етказиб бериш учун ўстирилган дараҳтзорни кўрмаганман. Ҳатто эштмаган эканман.

Ёнгоқ дараҳтининг ёғочини кўп қимматбаҳо дейишади. Шундай бўлса, катта майдонларга экилмасми? Шу дараҳтни бирор парвариши қилганини кўрмаганман. Ўрикмикан? Йўғ-ей! Аммо шу дараҳтнинг бизга ўхшайдиган томонлари ҳам йўқ эмас. Серҳосил, алоҳида парвариш талаб қилмайди, хокисор... Аномикан?! Қадими миниатюраларда кўп учрайди. Ҳаёт рамзи экан! Агар хитойликлар бамбука мөхр берганлари каби анорга ҳам мөхр берсак. Эҳ-ҳей, ҳар томон анорзор бўлиб кетарди. Беҳи ҳам бўлиши мумкин. Бирор каатта беҳи дараҳтини кўрмаган эканман. Бундек ўйлаб кўрсан, қадрлашга арзирли дараҳтларимиз кўп экан.

Барibir топа олмадим. Пахта дегим келмаяпти. Мехнати оғир, машаққати кўп. Аммо унга бор меҳрини бериб, ўстириган қаҳрамон опалар борлиги ҳақиқат. Ўзбекистон қаҳрамони Лола Муротова ёдингиздами? Ҳа, ўша, бошида оқ дуррачаси бор, ерга меҳрини берган пахтакор опа, камтар, камсуқум опа. Фидокорона меҳнатлари билан элга танилган опанинг кийим жавонларида икки сидрадан кийим-боши бор экан. Истаса, бир неча жавонларни тўлдира оларди, аммо унинг муҳаббати, бор меҳри ерга – пахтага, ўша машаққатли меҳнат билан етиштириладиган пахтага қаратилганди, дунё молига ҳавас қўймаганди. Айrim аёлларнинг ҳазм қилиб бўлмайдиган қилиқларини кўриб, йиғлаб ёзғирган экан: «Эй сизлар, туғилганингиздан сизга либос бўладиган, сизни асрайдиган, сўнгги йўлга ҳам сизни ўраб-чирмаб кузатадиган кафанингиз бўладиган пахтага ҳурматингиз йўқми?!»

Шунчалар мұхаббат пахта ўсимлигига. Бамбуқдан қиммат. Мехнати жуда оғир, ҳатто похоли ҳам чиқитга чиқмайдиган бебаҳо ўсимлик. Фақат бир йиллик ўсимлик-да.

Ўқиймиз: «Тўртта идишга сув тўлдириди. Иккитасини эшакнинг ўнг ва чап ёнига осилган хуржунларга солди. Қолган иккитасини арқонга боғлаб, эшакка ортиди. Кейин мени ҳам эшакнинг устига миндириб қўйди.

Бувам бошвокни қўлига олиб, йўлга тушди. Эшак эринибгина унинг ортидан юрди; устида юклар, мен.

Йўл баланд-пастли, ўйдим-чуқурли, тоғли-тепали эди. Аммо эшак устида бораётганим учун кайфим чоғ, ичимга сиғмасдим. Тўғри, сал-пал солланиб борардим, бироқ бу парвойимга келмасди, роса мириқаётгандим!

Бечора бувам эса ўлгудай чарчаган, ҳарсиллаб нафас оларди. Шунга қарамасдан, пилдираганча тўхтамай юриб борарди. У пайтдаги бола ҳолимда англамаган бўлсам ҳам, энди ўйлаб кўрсан, бувам ўшанда олтмиш бешлардан ўтганди.

Кета-кета бир ям-яшил водийга етдик. Унинг ўртасини экинзорлар, атрофини зайдун дараҳтлари ва турли бутазорлар қоплаганди.

– Бу водийни Вўлигари дейишади, – деди бувам менга ўгирилиб. – Энг кўп қуш овланади шу ерда! Катта бўлганингда, сен ҳам келасан бу ерларга».

Таниш манзаралар, шундай эмасми? Тўғри, ҳамма учун ҳам таниш эмас. Аммо бир лаҳза бўлсин, олис болаликни ёдга туширади. Ўша олис болаликда эшак миниб, узоқ йўл босиши ҳам катта воқеа бўлади. Ана шундай воқеалар айримларнинг дунёсини болаликдан кенгайтириб юборади, кенг дунёлар бора-бора қофозга тушади, кўнглимизга яқин сатрларга айланади, китоблар бўлиб яна бир дунё яралади.

Ўзи кичик бир ҳикоя. Аммо хотираларни уйғотиб юборади. Бизда-чи, менда-чи, деган ўйлар гирдобида қолдиради. Қария набирасини етаклаб олмасдан ўзи борса бўлмасми? Бола нимани ҳам тушунар эди? Инсонлар ҳамма жойда ҳам бир хил. Қибрисда ҳам сиз ва менга ўшаган одамлар яшайди. Энг азиз, қадрли нарсаларимизни фарзандларимизга илинганимиз каби улар ҳам илинадилар. Қалбига меҳрдан бир парча чўғ солиб қўядилар. Шунда бамбукка эмас, зайдунга меҳр қўядиган авлод вояга етади. Ва улар қибрисликларни зайдун турганида бамбук билан ҳайратлантириб бўлмаслигини биладилар.

Ўқиймиз: «Сал наридаги, қиялик этагидаги ерга бордик. Бу ерда қатор қилиб экилган зайдун кўчатлари бор эди.

– Булар зайдун кўчатлари, ҳали ёш, – деди бувам бирини силай туриб. – Яқинда экдим буларни. Ўсиб, катта зайдун оғочи бўлажак. Мен, балки, кўрмасман. Буларнинг мевалярини териб олаётганди, менинг ҳам дараҳтларим бўлгич эди, мен сугорган, мен жон берган...

Сув идишларини бирма-бир кўчатлар тагига келтирди. Барча кўчатни менга суғортириди.

– Булар сенинг оғочларинг. Сен суғординг. Сен уларга жон бердинг, – деди бувам менга яхши гаплар айтиб, кўнглимни кўтарди».

Шу парчани негадир қайта-қайта ўқидим. Тўсатдан ҳар үқиганимда юзимда табассум пайдо бўлаётганини хис қилдим. Мен ҳикоя ўқимаётганди эдим. Зайдунларни суғораётганди эдим. Умримда зайдун дараҳтини кўрмаганман. Қадрдан ота уйимда эдим, менинг ҳам дараҳтларим бўлгич эди, мен сугорган, мен жон берган...

Ортиқ бир сўз қўшишни истамайман. Ҳикоядан охирги парчани эътиборингизга ҳавола этаман.

Ўқиймиз: «Бир пайтлар бувам билан бирга ўтқазган зайдунларимни биттама-битта кўрдим, таналарини суйиб-силадим, кўлкаларида ўтиредим. Отамнинг, бувамнинг, бошқа қишлоқдошларимнинг зайдун дараҳтлари ҳақидаги гап-сўзларини эсладим.

У инсонлар учун ҳар бир дараҳтнинг тирик одам каби, уйларидағи ҳайвонлари паррандалари каби қадр-қиммати бор эди.

Сув анқонинг уруғи бўлган бу оролда ҳар ким ҳам зайдун экишдай оғир ишга қўл уравермасди. Бувам ўша зайдун кўчатларини ўтқазаркан, уларнинг тутиши, илдиз отиши учун милларча узоқликдан эшак устида сув ташиб келтираркан, эндиликда таҳмин қилишимча, уларнинг дараҳт бўлиб, мева берганини кўролмаслигини ҳам билган, билгану, барибири бу оғир юмушдан воз кечмаган».

Ҳузурли мутолаалар тилаги билан





МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛ ОЛДИ

2021 йилда Термиз шаҳрида фаолияти йўлга қўйилган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейида миллий истиқдол ғояларига содиқ бўлган, юксак салоҳиятли, чинакам ватанпарвар ҳарбий кадрларнинг янги авлодини етиширишга катта эътибор қаратилмоқда. Таълим даргоҳида ёшларнинг замонавий билим олишлари, рақамли технологиялар ҳамда ҳарбий техникаларни мукаммал эгаллашлари, шунингдек жисмонан соғлом ва маънан етук бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Албатта, бундай ғамхўрлик ва эътиборга жавобан лицей ўқувчилари ҳам малакали устозлар кўмагида юқори натижаларни қўлга киритиб келаётгани эътирофга сазовор. Хусусан, ўқувчилар Жасурбек Рўзиев ва Муҳаммаджон Эшмуродов фанларни аъло ўзлаштиргани, вилоят ва республика миқёсидаги танловларда муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллагани учун «Аълочи

ўқувчи» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Ўқувчи Абдураҳмон Қодиров тарих фанидан республика олимпиадасида мутлақ ғолибликни қўлга киритган бўлса, Маҳмуджон Мустафоев таэквондо спортининг WTF йўналишида Ўзбекистон ва Осиё чемпиони бўлиб, жаҳон чемпионатига йўл олди.

Шунингдек, лицейнинг 41 нафар ўқувчиси хорижий тиллар, 4 нафари

эса тарих фанидан умумтаълим фанларни билиш миллий сертификатини қўлга киритиб, ушбу фанлардан максимал балл берувчи имтиёзга эга бўлди.

Бундан ташқари, 20 нафар ўқувчи «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида муносиб иштирок этди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан жорий йилда ўтказилган «Энг намунали таълим муассасаси» танловида ҳам мазкур лицей жамоаси «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ўртасида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Куни кече «Ёш чегарачилар» ҳарбий академик лицейида ўтказилган илк битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиш маросими ҳам икки йиллик таълим-тарбия ва ҳарбий тайёргарлик жараёнларининг сарҳисоби сифатида намоён бўлди. Икки йил аввал эзгу ниятлар билан қадалган 101 нафар ниҳол бугун кўзларни қувонтирган ҳолда тўла-тўқис бўй кўрсатиб, битирувчи сифатида саф майдонида қад ростлади. Тадбирда Чегара қўшинлари масъул офицерлари, фахрийлар, ҳамкорлиқдаги куч тузилмалари, Термиз давлат университети, Маънавият ва маърифат маркази вакиллари, лицей жамоаси ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Унда сўз олганлар битирувчиларни самимий қутлаб, келгусида қай соҳа эгаси бўлишларидан қатъи назар, юрт корига ярайдиган, жамиятимиз

равнақи ва ривожи учун хизмат қилувчи муносиб кадрлар бўлиб етишишларини, лицейда олган билим ва кўнижмаларини самарали қўллаган ҳолда, олдиларида турган синовлардан муваффақиятли ўтиб, олий таълим муассасаларининг баҳтиёр талабалари сафига қўшилишларини тилашди.

Шундан сўнг битирувчиларга дипломларни тантанали тарзда топшириш маросими бўлиб ўтди.

– Бугун фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириб, юқори натижаларга эришган 15 нафар ўқувчимиз имтиёзли диплом соҳиби бўлди, – дейди лицей директори Музаффар Норқобилов. – Фурсатдан фойдаланиб, шундай иқтидорли ёшларни тарбиялаб, вояга етказган қадрли ота-оналаримизга ўз ташаккуримни изҳор этаман. Шунингдек, лицейимизнинг жонкуяр, фидойи ва малакали устозлари ҳамда фаолиятимизда ҳар томонлама кўмак бериб келаётгандан ДХХ раҳбарияти ва Чегара қўшинлари қўмондонлигига ҳам алоҳида миннатдорлик билдираман.

Тадбирнинг бадиий қисмида Чегара қўшинлари Ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда «Ёш чегарачилар» ҳарбий академик лицей мусиқа тўгарагининг ҳаваскор аъзолари томонидан тақдим этилган концерт дастури барчага кўтарикин кайфият улашди.

Майор Фарида БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари

BITIRUV – 2023

АКАДЕМИЯДА ТАНТАНА

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютукларга эришиши, халқнинг фаровон яшashi ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида битирувчи курсантларга «лейтенант» ҳарбий унвонини бериш ва диплом топшириш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазiri генерал-майор Абдулла Қўлдошев, вазirlik va idora raҳbarlari, akademiy professor-ўқитuvchilarni ҳамda kursantlari, keng jamoatchilik vakiillari iштирок этди.

Тадбирда генерал-майор А. Қўлдошев ҳамда академия бошлиғи генерал-полковник Қ. Бердиев сўзга чиқиб, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар олий ҳарбий таълим муассасаларидағи кадрларни ҳар томонлама етук, масъулиятли, бурчини чуқур ҳис қиладиган ҳамда ўз касбини севиб-ардоклайдиган, фидойи инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади.



Шундан сўнг битирувчиларга генераллар томонидан «лейтенант» ҳарбий унвони ҳамда диплом тантанали равишда топширилди. Тадбир давомида сўзга чиқкан битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, таклиф этилган меҳмонлар ўзларининг ҳис-ҳая жонга тўла тилакларини изҳор этиб, ёш офицерларни самимий муборакбод этди.

Тадбир шодиёнаси академия оркести ижросидаги Ватанини мадҳ этувчи куй-қўшиқларга уланиб кетди.

– Бугун биз, ёш офицерларнинг қувончимиз чексиз, – дейди битирувчи лейтенант Акбар Хурсанов. – Бизни вояга етказган ота-оналаримизга, таълим-тарбия бер-



ган устозларимизга, барча шарт-шароитларни яратиб берган муҳтарар Президентимизга самимий миннатдорлигимизни билдирамиз. Албатта, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини, соғлигини асрашдек баҳтли касб бўлмаса керак. Биз ана шундай шарафли касбни эгаллаб, етук кадрлар бўлиб етишганимиздан ва она Ватанимиз равнақига ўз хиссамизни қўшаётганилигимиздан фахрланамиз.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

КОМПЬЮТЕР



ҚУЛЛИГИ ВА БАХТ ДАРСИ

Ривожланиш, кашфиёт доимо инсонни ҳайратга солиб келган. Табиийлик қонунига кўра, ҳайрат билан бошланган янгилик бироз вақт ўтгач, ҳайтнинг одатий таркибий қисмига айланиб қолади. Инсоният тарихида ҳайрат чўққисида энг узоқ турган кашфиётлардан бири компьютер ва интернет бўлса, ажаб эмас.

Компьютер технологиялари бугун ҳаётга шиддат билан кириб келяпти. Янги нарса эса ёш авлод учун доим қизиқарли. Лекин ўша ёш авлод мазкур соҳани ипидан-игнасигача мукаммал эгаллашга ҳаракат қилиптими ёки унинг қулига айланиб боряптими, буни ажратиб олиш мушкул.

Агар боланинг ўзига қўйиб берсангиз, у соатлагава ҳатто кунлаб ана шу машина олдида мук тушиб ўтириши мумкин. «Бу яхши эмас» лигини барчамиз биламиз. Лекин бунга барибир тўқсинглил қилолмаймиз. Бунинг сабаблари жуда кўп. Биринчидан, болани ҳар қадамда назорат қилишининг имкони йўқ ёки бундай ишнинг оқибати болага нисбатан ишончсизлик ва уни бездириб кўйиш билан тугаси мумкин.

Иккинчидан, катта авлоднинг компьютер технологиялари борасидаги билимлари етишмаслиги. Улар болага бу борада ўрнак бўлолмайди ёки йўл-йўрик кўрсата олмайди. Учинчидан, ахборот табиий равища кўпайиб бораверади. Бу жараённи эса фақат болани, кўпол тушириганда, қамаб қўйибгина тўхтатиб туриш мумкин.

Компьютер экрани қаршисида ўтирган болани кузатинг, агар ўйин талаби шундай бўлса, у одамларни (ўйиндаги) хотиржам туриб, отиб ташлайди. Банкни ўмаради, машинани олиб қочади, хуллас, шу ўйин нимани буюрса, ўшани қолади. Хўш, болаларга бунинг нимаси ёқади?

Компьютердан кўзини ололмай, ниқталиб қолган болакайларнинг бирини безовта қилишга тўғри келди.

- Нима ўйнаяпсан?
- ГТА (бу ўйиннинг тўлиқ номи ГТА: сан Андреас).
- Қанақа ўйин ўзи бу?

- Зўр ўйин! – кейинги саволни беришга эҳтиёж қолмади. – Хоҳлаган нарсезни қисез бўлади. Машинага, вертолётга чиқасиз. Кийимларизни алмаштирез бўлади. Овқат еса бўлади. Казинога кири покер ўйнисиз. Баскетбол, бильядр. Машинага бампер, спайдер кўйиса бўлади. Кўп одам ўлдирворсез, полиция орқездан тушади. Қизлар билан учрашувга чиқади. Милли (ўйин қаҳрамонларидан бири) билан банкка ўрилилка тушиш учун танишади. Карол Жонсон асосий қаҳрамони. Тўрт йил олдин Лос Сантасдан кетган. Ўйин у қайтгандан кейин бошланади...

Даҳшат! Одам ўлдириш, учрашувлар, покер... Қаранг, бола бирорта ҳам «гул», «қуёш», «камалак»ка ўхшаш сўзни айтмади. У таъкидлаган ҳамма сўзлар нафс билан боғлиқ, гўзаллик ёки яхшилик билан эмас.

Психолог Лилия Султонова ўзининг ана шундай ўйинлар бозори билан қизиққанини таъкидлади:

- Биласизми, компьютерда ўйнash учун мўлжалланган ўйинлар (дисклар) турини ўргандим. Маълум

бўлдики, бозорда диск кўринишида сотилаётган ўйинларнинг деярли 95 фоизи қотиллик, ўғрилик, зўравонлик ва шу каби хатти-ҳаракатлар асосига қурилган экан. Доимий компьютер ўйинларини ўйнash болада кўникиш пайдо қиласди ва аста-секин энг даҳшатли жиноятларни ҳам у оддий ҳолдек қабул қиласди. Бола дунёқарашига катта таъсир ўтказилади: унда бир уриб кўрсам, муштлашсам, деган фикрлар пайдо бўлади. У бу дунё шафқатсиз, унда фақат кучлиларгина ғолиб чиқади, деб ўйлай бошлияди.

Шунингдек, ўйинларда айрим давлатларнинг рамзлари кўлланади. Болага уларни танлаш таклиф этилади. Ана шу восита орқали бизнинг турмуш тарзимиз энг зўр, биздан ибрат олинг, деган ғоя сезиларсиз тарзда сингдирив борилади. Бу жуда жиддий ғоявий таъсирдир. Лекин болага ўйин ўйнаши тақиқлаш ҳам нотўғри. Негаки, тафаккурни ривожлантиришга ёрдам берувчи, тил ўрганишга кўмаклашувчи ўйинлар мавжудлигини инкор қилолмаймиз. Фақат уларни меъёрида ўйнash лозим. Дейлик, ўсмирлар учун кунига бир соат (ҳар бир нарсанинг меъёрида бўлгани яхши) ўйин етарли.

Болага ўйинда одам ўлдирганилиги учун, машина ўғирлагани учун пул беришади. Бу унга ёқади, у ғолиб бўлади. Бола мияси «нусха кўчириш»га жуда уста. Хўш, унинг ҳаётда ҳам ана шундай ғолиб бўлгиси келиб қолмаслигига ким кафолат беради?!

Компьютер, интернет, айниқса, кичик оилалардаги болаларни алоҳида оламда яшашга ўргатиб қўяди. У воқеаларни ўзи мушоҳада қиласди ва ўзи қарор чиқаради. «Тўғри» ёки «нотўғри» деган тушунчалар унинг онгига исталган шаклда ривожланиши мумкин. Бу қуруқ вахима эмас. Бизда энди-энди ривожланаётган жараённинг тарақкий этган давлатларда оқибатларини кўришимиз мумкин.

Канадалик 25 ёшли Кимвир Жилл 20 кишини жароҳатлаб, 18 ёшли қизни ўлдирган, кейин эса ўзини ҳам отиб ташлаган. Мутахассислар унинг интернетдаги ёзишмаларини излаб топишгач, маълум бўлдики, у почта ходимлари томонидан содир этилувчи беъмани қотилларлар асосига қурилган «Постал» ўйинининг ашаддий ишқибози бўлган. Бу ўйинлар оқибатида Москва синагогида ҳам Александр Копцев томонидан қирғин амалга оширилган. Йигитчаларнинг жиноят оламига умуман даҳли йўқлигини ҳам таъкидлаш керак.

Умуман олганда, сўнгги вақтларда бу каби одам жонига қасд қилган ўқувчилар, ёшлар ҳақидаги хабарлар оқими кўпайиб қолган. Компьютер ўйинларию интернет тармоғига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни мутахассислар касаллик, деб баҳолашмоқда.

Гарчи бунинг қай даражадаги руҳий хасталик эканлиги но маълум бўлса-да, лекин юқори технологияларсиз «яшай олмайтганлар» сони ўсиб бормоқда. Америкада

2,5 минг киши ўтасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 70 фоиз одам интернетсиз умуман яшай олмаслигини билдирган. Уларнинг 14 фоизи бутунжаҳон тармоғисиз ҳаёт кечиришлари мушкул кечишини айтган. 12,3 фоиз одам ўзини бу тармоқда ишлашдан тийишига уринаётган экан. 8,7 фоиз киши эса интернетга бўлган қизиқишини дўстлари, ҳамкаслари ва оила аъзоларидан сир тутишга уринади.

- Кўпчилик ёшларнинг ахборотга нисбатан эҳтиёжи юқори, – дейди психология фанлари номзоди, доцент Абдумўмин Расулов. – Ахборот олиш имкониятларининг юқорилиги боис интернет уларни ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Бирок улар маълумотлар аҳамиятини ажратиб олишмаяпти. Шу боис тажовузкор ўйинлар, ахлоқизликни тарғиб қилувчи сайтлар билан банд бўлиб қолишипти. Бунинг оқибатида улар реал ҳаётдан ажратиб қолади, виртуал оламга ўтиб яшайди. Лекин буни уларнинг ўzlари ҳис қилмайди. Ёшларнинг эҳтиёжини қондирадиган ахборот кам бўлиши мумкин. Улар уйдан, аудиториядан, дўстлари орасидан ўз ҳис-туйғулари учун қоникиш ололмайди. Бунинг олдини олиш учун уларга реал ҳаёттий шарт-шароитларни яратиш керак. Дейлик, кутубхона, дарс, яна бошқа воситалар орқали ўсмир ҳаётига янги мазмун олиб кириш мумкин.

Жаҳон тиббиёти тажрибасида компьютер олдида ўтириб вафот этганлар ҳам учраган. Бугун монитор олдида ўтирганларнинг аксарияти болалар ва ёшлар. Шу сабабли ҳам одамларни компьютердан «ажратиб олиш» муаммоси кўплаб мамлакатларда кун тартибидаги масалага айланган. Масалан, Буюк Британия мактабларида жорий йилдан ўқув дастурига янги фан киритилди. Бу баҳт дарсидир. Ушбу фаннинг асосий вазифаси болаларни ўзига ишонишга, ташки дунё мураккабларнига бардош беришга ва тушкунликка тушмасликка ўргатишидир.

Мутахассисларнинг сўзлари кўра, сўнгги пайтда инглиз мактаблари ўқувчилари орасидан тушкунлик (депрессия)га тушиш ҳоллари ҳақиқий эпидемияга айланган. Шунинг учун ҳам барча давлат мактабларида психологиялар махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича баҳт дарсларини ўтишига қарор қилишиди. Ҳатто глобаллашув жараёни авж олиб, XXI аср техник юксалишлар асри бўлса-да, болага самимий туйғулар, гўзлар нарсалар, ахлоқ мөъёrlари ҳақида гапириш керак. Уларга ўзингизнинг иқтисодий муаммоларингиз, изхитомий мавқеининг нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган шахс сифатида эътибор бериш керак бўлади. Шунда болаларнинг ҳам алоҳида оламларга ўтиб, ўз қобигига ўралиб яшашларига ҳожат колмайди.

**Наргиза ТЎХЛИЕВА,
журналист**

«Чирчиқ» дала-ўқув майдонида «Амир Темур издошлари» спартакиадаси доирасида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллаларида истиқомат қилаётган «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турувчи ҳамда «Темир дафтари» ва «Аёллар дафтари»дан ўрин олган оила фарзандлари иштирок этди. 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган 140 нафар уюшмаган ёшдан ташкил топган 14 та жамоа учта блокдан иборат синовларда беллашди.

ХОРАЗМИК ЁШЛАР ГОЛИБ



Mujallif va III darajali serjant Olim BERDIYEV

Ҳарбий-ватанпарварлик блокида жамоа аъзолари Ўзбекистон ҳарбий тарихига доир билимларини намоён этиди. Шунингдек, жамоаларнинг фотоальбомлари ва нишонлари, «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?» мавзусидаги тақдимоти ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик варақалари кўрикдан ўтказилди.

Ҳарбий-амалий кўпкурашда эса пневматик қуоролдан ўқ отиш, ўқув гранатасини узоқликка улоқтириш ва ҳарбийлаштирилган эстафета бўйича беллашдилар. Ҳарбийлаштирилган эстафета доирасида



ёшлар «АК-74» автоматини нотўлиқ қисмларга ажратиш ва тўлиқ йиғиш ҳамда газниқобни кийган ҳолда белгиланган масофага югуриш шартларини бажарди.

Спорт блокида жамоалар дуатлон, 100 метрга югуриш, турнирда тортилиш бўйича ўзаро беллашди.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари давомида ёшларнинг мусобақа шартларини бажариларида ғалабага кучли интилиши, ҳарбийликка бўлган қизиқиши, ғайрату шижоати яққол сезилди.

Дўстона руҳда, шу билан бирга шиддатли ва муросасиз кечган мусобақанинг республика босқичида



Хоразм вилояти жамоасининг қўли баланд келиб, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раисининг кубоги соҳиби бўлди. Навоий вилояти жамоаси 2-ўрин, Самарқанд вилояти жамоаси эса 3-ўринни забт этди.

Яқунда ғолиб ва совриндор жамоа аъзолари «Ватанпарвар» ташкилоти ва Ёшлар ишлари агентлиги раҳбарияти томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

«Рұхият тетик бўлса, жисм бакувват бўлади!»



Инсон умрини оқар сувга менгзашади. Кўз юмиб очгунга қадар поёнига етиб бораётган ҳаёт йўлларини сарҳисоб қилиш асносида бесамар йўлларда зое бўлган вақтнинг ортга қайтмаслиги сизу бизни сергакликка чорлайди. Ўтаётган умрдан завқ олиш, бажарилган хайрли ишлардан кўнгил қувончга тўлиши учун имкон қадар эртароқ саъй-ҳаракатларни бошлишимиз, охирида афсус чекмаслигимизга асос бўлса, не ажаб.

Бугунги қаҳрамонимиз умрининг илк онларидан ҳозирги эришиб келаётган ютуқларининг тамал тошини қўйган эди. Эндиғина 21 ёшни қарши олаётганига қарамасдан, тенгқурлари орасида унинг натижалари ибрат бўлишга лойик. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида таваллуд топган кичик сержант Азизхон Абдуллаев спортнинг бокс, муай-тай ва қўл жанги турлари бўйича спорт устаси, қўл жанги бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, Мудофаа вазирлиги ва куч тузилмалари орасида ўтказилган турнирлар чемпиони ва совриндори.

ЁЛГИЗ ЎФИЛ

Оиламизда уч опамдан кейин туғилгандар. Ёлгиз ўғил бўлишимга қарамасдан, ота-онам тарбиямга қаттиққўл бўлишиди. Беш ёшимда дадамнинг қизиқтиришлари билан бокс тўгарагига қатнай бошладим. Мураббийим Жаҳонгир Жўраевнинг мендаги иқтидорни кўрганидан бениҳоя баҳтиёрман. У кишининг тавсия ва кўрсатмалари билан етти ёшимда биринчи марта мусобақага қатнашдим ва фахрли 1-ўринни қўлга киритдим. Агар бирор ҳаракатингиз ортидан самарали натижани ҳис қилсангиз, бундан ортиқ баҳт бўлмас экан. Ўша кичкина мусобақадаги катта натижам менга мотивация берган. Қувончим ичимга сифмаган.

МАКТАБ ДАВРИ

Ўқувчилик йилларимизда ҳамманинг ўзига яраша қизиқшлари бўлган. Синфдошларим ҳам турли соҳа ва «хобби»ларга интилишарди. Мен эса ўз йўлимни танлаб бўлган эдим. Вақтни доим қизғанғанман. Бир дақиқа бўш қолсан ҳам, албатта спорт залида машғулот ўтказишга уринганман. Ҳатто синфдош дўстларимни ўзим билан мураббий олдига олиб борардим. Уларни ҳам мен билан машғулотларда қатнашишини истаганман. Аммо ҳаммасининг ҳам иродаси етмади. Чунки спорт сабр билан бирга иродани ҳам тоблайди. Шунинг учун инсон қайси қарбий хизматни ўташ учун мудофаа ишлари бўлимига ариза топширганимда, спорт билан хайрлашгандим. Аммо ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳам қўл жанги бўйича мусобақалар ўтказилишини кўриб, ўзимдаги иштиёқни босолмадим. Яна спортга қайтдим. Шу йили Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган мусобақада 1-ўринни эгалладим. Ўшандан буён катта спортдаман.

соҳада ўзимни синааб кўришимни талаб қилишган. Ўша кезларда кўкарган жойларимни беркитишга ҳаракат қиласдим. Аммо оёқ-кўлим синиб қолган вақтларда ўйдагилар битта ўғил фарзандлигимни асос қилиб, спортни ташлашим зарурлигини кўп бора айтишган. Шундай кезларда ўйланиб ҳам қолғанман. 2020 йили муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун мудофаа ишлари бўлимига ариза топширганимда, спорт билан хайрлашгандим. Аммо ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳам қўл жанги бўйича мусобақалар ўтказилишини кўриб, ўзимдаги иштиёқни босолмадим. Яна спортга қайтдим. Шу йили Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган мусобақада 1-ўринни эгалладим. Ўшандан буён катта спортдаман.

ИНСОН СУВ КАБИ БЎЛИШИ КЕРАК

Барчамизга маълумки, XX асрнинг энг кучли одами дея тан олинган Брюс Ли спорт устаси бўлиши билан бир қаторда, унинг дунё тан оладиган фалсафаси ҳам бўлган. У инсонни сув каби бўлишини таъкидлайди. Сувда шакл йўқ, аммо уни қайси идишга қўйсангиз, у ўша шаклга киради. Брюс Лининг фалсафасини мен ўзимга шиор қилиб олганман. Бу фалсафа замирида вазиятга, рақибга ва маконга мослашувчанлик тарғиб этилади. Фуқаролик ҳаётидаги спортчи билан ҳарбий спортчининг фарқи катта. Ҳаётдаги шиорим боис биринчи ҳолатдан иккичи ҳолатга кўнишиш қийин бўлмади.

ОТА-ОНАМ ФАХРЛАНИШИНИ ХОҲЛАЙМАН

Фарзанд бўлиб, ота-онамнинг розилиги ва мен билан фахрланиши йўлида ҳаракат қиласман. Қариндошлар, қўшиналар ва танишлар олдида доим мен билан фахрланиб юришларини истайман. Шунинг учун доим олдинга интиламан. Самарали натижаларга эришгим келади. Чунки мен эришаётган ютуқларим ортида ота-онамнинг дуоси, мураббийларимнинг меҳнати ва дўстларимнинг қўллаб-кувватлаши турибди. Ҳато қилишга ҳаққим йўқ. Ҳеч бир соҳада омаднинг ўзи етарли бўлмайди. Унинг ортида мушақатли меҳнат ва яқинларнинг дуоси бўлиши керак. Энгимга ҳарбий либос кийишимни дадам кўпроқ хоҳлади. Уларнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳам мардлар либосини кийдим. Минг шукурки, кам бўлмаяпман!

СПОРТ ОРТИДАН ТОПГАНЛАРИМ...

Спорт билан шуғулланган инсоннинг бўш вақти кам бўлади. Заарали одатларга имкон бўлмайди. Доимий назоратда бўлади. Ҳарбий спортчи учун бундай интизом иккича карра юқори. Иро-

да тобланади, сабр-тоқат синовдан ўтказилади. Аксарият ёшларда қатъият йўқлиги сабаб спортни жуда эрта тарқ этади. Машақатдан қочиш керак эмас. Машақатлар ортида, албатта, роҳат бор. Тинимсиз қилинган меҳнат барибир ўз самарасини беради. Икки йил ҳатто мақтов ёрлиги ҳам олмаган пайтларим бўлган. Рұхиятга таъсир қиладиган ҳолат. Аммо мен билан бир залда машғулот ўтказаётган спортчидан нимам кам, деган фикр ҳеч ҳам менга тинчлик бермаган. Мен удалайман, мен буни бажара оламан, деган ишонч олдинга интилишим учун турткি бўлган. Спортчи мағлубиятларда тобланади. Спортдан топган энг катта нарсам ўзимга бўлган ишончим бўлди. Инсон ўзига ишонса, ҳар қандай вазифани уddaлаши мумкин.

ХУЛОСА...

Дунёда энг қадрли нарса – бу вақт! Уни бекорга сарфлаб юбормаслик керак экан. Ҳали ёш бўлишимга қарамасдан, вақт фалсафасини англаш етдим. Тўғриси ҳам шу-да, бир йиллик мушақатинг ортидан беш дақиқалик ринг. Қарабисизки, ўтган вақт саробга айланади ёки рўёга. Ҳаёт ҳам аслида рингга ўхшайди. Беш дақиқалик ажратилган вақтдан унумли фойдаланмасак, синовларда бўлган бир йилимиз куяди. Ўйлаган мақсадингизни шу сонияларда бажариш керак экан. Ҳали вақтим бор-ку, дея хотиржамликка берилсан, рақибга имкониятни бой береб қўйишимиз эҳтимоли катта.

Келажакда мураббийликда ҳам ўзимни синааб кўрмоқчиман. Ўшандан шогирдларимга ҳам, аввало, вақт фалсафасини уқтираман. Барча нарсани ўз ҳолига қайтаришимиз мумкин, аммо ўтган вақтни эмас...

**«Vatanparvar» мухбири
Шерзод ШАРИПОВ
ёзиб олди.**

Натижалар:

2016 йили – ёшлар ўртасида муай-тай бўйича Осиё чемпионатида 1-ўрин;

2019 йили – бокс бўйича Қозогистонда бўлиб ўтган хотира турнирида 3-ўрин;

2020 йили – бокс бўйича Мудофаа вазирлиги миқёсидағи мусобақада 1-ўрин;

2021 йили – қўл жанги бўйича Қуролли Кучлар миқёсидағи мусобақада 3-ўрин;

2022 йили – қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-ўрин;

2022 йили – қўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида 1-ўрин;

2023 йили – қўл жанги бўйича МДҲ курсантлари мусобақасида 1-ўрин.

YANGI O'ZBEKISTON YOSHLAR MAMLAQATI

Yoshlarni ona yurtga sadoqat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash davlat siyosatining muhim yo'naliishlaridan biridir. Shu munosabat bilan mamlakatimizning eng olis hududlaridan biri hisoblangan Qoraqalpog'iston Respublikasi Qo'ng'irot tumanida joylashgan Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qismda "Qo'mondon va yoshlar uchrashuvi" bo'lib o'tdi.



Tadbirga tuman hokimligi, mudofaa ishlari bo'limi, Yoshlar ishlari agentligi hamda bir qator hamkorlikdagi davlat va jamoat tashkiloti vakillari taklif etildi. Harbiy qism harbiy xizmatchilarini tomonidan namoyish etilgan qo'l jangi usullari, maxsus va jangovar harbiy texnikalar hamda qurol-aslahalar ko'rgazmasi barchaga birdek manzur bo'ldi.



Tadbir harbiy qismning madaniyat markazida davom etdi. Unda polkovnik Jur'at Yakubov so'zga chiqib, bugungi kunda mamlakatimizda yoshlar uchun yaratilgan shart-sharoitlar haqida batasif ma'lumotlar berdi. Ochiq muloqot tarzida kechgan uchrashuvda yoshlar o'zlarini qiziqitirgan savollariga javob oldi. Tadbir yakunida xalqaro turnirlarda zafar qozongan hamda tadbirda faol ishtirok etgan yoshlarga esdalik va qimmatbaho sovg'alar topshirildi.

Qo'mondonning keyingi manzili Mudofaa vazirligiga qarashli Taxiatosh tumanida joylashgan harbiy qism bo'ldi. "Yangi O'zbekiston – yoshlar mamlakati"

shiori ostida o'tkazilgan tadbiriga ham tuman hokimligi, mudofaa ishlari bo'limi va harbiy prokuratura xodimlari taklif qilindi.

Yoshlar harbiy qism tarix muzeysi, kutubxona, sport shaharchasi, panoramali o'q otish xonasi, yotoqxonalar bilan yaqindan tanishtirildi. Shu bilan bir qatorda, yoshlar o'rtasida sportning 10 ga yaqin turi bo'yicha musobaqalar o'tkazildi.

Tadbir so'ngida sportning turli yo'naliishlarida sovrinli o'rinnarni egallagan yoshlarga esdalik va qimmatbaho sovg'alar topshirildi.

Kapitan Ahror SAFARALIYEV

HUQUQIY PROFILAKTIKA



Harbiy prokuratura organlari tomonidan Chegara qo'shinlari tizimidagi harbiy qismlar qo'mondonliklari bilan chegara oldi hududlarida yashovchi mahalliy aholi bilan muntazam ravishda profilaktik tadbirlar o'tkazib kelinmoqda.

CHEGARA OLDI HUDUDIDA UCHRASHUV

Namangan harbiy prokurori D. Rahmonov ishtirokida Chortoq tumani Arbag'ish mahallasidagi chegara oldi hududida istiqomat qilib kelayotgan mahalliy aholi vakillari bilan uchrashuv o'tkazildi.

Uchrashuv davomida harbiy prokuror tomonidan chegara hududida istiqomat qilayotgan yoshlarni, mahalliy aholini vatanparvarlik ruhida tarbiyalash masalasida hamda chegarada xizmat olib borayotgan harbiy xizmatchilarning faoliyatiga to'sqinlik qilmaslik, ularning qonuniy talablariga bo'yusunish, davlat

chegarasidan noqonuniy tovar-moddiy boyliklarini olib o'tmaslik, buning uchun qonunchilikda nazarda tutilgan javobgarlik va amaliyotda sodir bo'layotgan holatlar bo'yicha misollar keltirilib, tushuntirish ishlari olib borildi.

Harbiy prokuror aholi vakillarini qynab kelayotgan muammolarni tinglab, ularga huquqiy maslahat va tushunchalar berdi.

Adliya kapitani Qurbondurdi POLVONNAZIROV,
Namangan harbiy prokurorining yordamchisi

SAYYOR QABUL

128 TA MUROJAAT O'RGANILDI



strategik maqsadlarga erishishning qudratli vositasiga aylanmoqda. Shu maqsadda Respublika Harbiy prokururasi tashabbusi bilan Qurolli Kuchlar tarkibidagi vazirlik va idoralar hamkorligida joylarda ommaviy sayyor qabullar o'tkazilib, mavjud

qo'mondonligi va Milliy gvardiya qo'mondonligi bilan hamkorlikda Buxoro shahrida ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.

Harbiy xizmatchilar va oila a'zolari, nafaqaga chiqqan fuqarolar hamda yoshlar qatnashgan sayyor qabulda Respublika Harbiy prokurorining o'rinosari Q. Isroilov, Milliy gvardiya qo'mondoni o'rinosari S. Mamayusupov, II V Qorovul qo'shinlari qo'mondoni o'rinosari M. Mirkomilov, Mudofaa va Favqulodda vaziyatlar vazirliklari mas'ullari ishtirok etdi.

O'tkazilgan qabulda ishtirokchilar xizmat joyini o'zgartirish, harbiy guvohnoma olish, harbiy unvon olish,

Jismoniy va yuridik shaxslar murojaatlari bilan ishlash borasida asos solingen yangi tizim ijtimoiy adolatni ta'minlash bilan birga, mamlakatimizni har tomonlama rivojlantirish yo'lidagi

muammolar, murojaatlar hal qilib kelinmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokururasi, Mudofaa vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, II V Qorovul qo'shinlari

imtiyozli guvohnoma berilishi, ishga tiklash, safarbarlik chaqiruvi rezervi uchun pul badallari to'lanishi, nafaqaga chiqish masalalarida amaliy yordam berishni so'rab, murojaat qilishdi.

Qabulga kelib tushgan 128 ta murojaatdan 63 tasi ijobiy hal qilinib qanoatlantirildi, 15 tasiga tushuntirish berildi, 50 tasi tegishliligiga ko'ra vazirlik va idoralarga yuborilib, ijrosi nazoratga olindi.

Adliya polkovnigi Sherzod XAYTOV,
Respublika Harbiy prokurorining katta yordamchisi

Бугунги кунда сайёрамизниңг
85 фоиздан күпроқ ахолиси
умуртқа поғонаси остеохондрози
касаллигидан азоб чекади. Айниңса,
Япония, Швеция, Буюк Британия,
Чехия каби давлатларда ушбу
касаллик асортлари сабабли ногирон
бўлиб қолган инсонлар сони анча
ортган. Беморларнинг аксарияти
умуртқа поғоналари орасидаги
гардиш (диск)нинг емирилиши
касаллигига чалинган.

ОСТЕОХОНДРОЗ



ХАВФЛИ КАСАЛЛИКМИ?

Мутахассисларнинг кузатишларича, вертеброген (остеохондроз ва унинг асортлари) касалликлар билан оғриган bemorlar грипп ва ўйда шикастланишлар кўрсаткичидан кейинги, ногиронлик келтириб чиқариш бўйича эса юрак-кон томирлари касалликлари билан бир ўринда турди. Эътибор беринг, остеохондроз кўпчилик ўйлаганидек, одий туз йифилиши натижасидагина пайдо бўладиган хасталик эмас, балки бу организмда кечадиган чукур патологик жараён туфайли келиб чиқадиган жуда ҳам мураккаб сурункали касаллик ҳисобланади.

Сабаблари нимада?

Умуртқа поғонаси одам организмидаги ҳаракат-таянч аъзоларининг асоси ҳисобланади. Диск умуртқаларни бир-бирига биринкириб турди, шу билан бирга, амортизация вазифасини бажаради ва умуртқанинг ҳаракатланишини таъминлайди. Умуртқалар орасидаги ушбу дискнинг емирилиши остеохондроз дейилади. Бунинг натижасида умуртқалар орасидаги бўғим емирилади – бу спондиолартроз дейилади.

Умуртқа дискининг ёрилиши натижасида унинг ичидаги ядроси сиқилиб, ташқарига чиқади ва диск чурраси пайдо бўлади. Мазкур патологик жараёнлар умуртқанинг қийшайишига олиб келади. Бу эса сколиоз дейилади. Натижада умуртқа орасидаги масофа қисқаради ва орқа миядан периферик нервлар чиқадиган умуртқалараро тешик қисилади. Бунинг оқибатида периферик нерв толалари эзилади ва боз миядан орқа миягача келган импульс эзилган периферик нерв толаларидан улар бошқарадиган аъзоларгача тўлиқ етиб бормайди. Бу эса, ўз навбатида, шу аъзолардаги пайлар, мушаклар, кон томирлари ва бошқа тўқималар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Натижада мушак ва пайлар тортилиб, қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Кислород ва озуқа етишмаслигидан қўл-оёқлар музлайди, уюшади,

ҳолсизланади. Ҳаракатланганда ва юрганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Баъзи ҳолларда ногиронлик дарражасигача олиб келиши мумкин.

Мана шуларни ҳисобга олиб, бундай касалликларга чалинган bemorlarга «оддий туз йифилган» ёки «нервлар шамоллаган» деб қарамасдан, уларни ҳар томонлама, чукур, индивидуал тиббий текширувдан ўтказиш, тўғри ва аник ташхис қўйиш лозим. Чунки bemorni тўла ва самарали даволаш гарови, биринчидан, bemorга қўйилган ташхиснинг тўғрилигига иккинчидан, организмда кечётган патологик жараёнларнинг қандайлигига қараб, касалликни келтириб чиқараётган сабабига йўналган муолажалар ўтказилишига боғлиқ.

Одам қариган сайн остеохондроз билан касалланиш кўпайиб бораверади. Жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланмайдиганлар эса остеохондроз дардига кўпроқ мойил бўлишади. Олимларнинг таъкидлашича, ўтириб ишлаш фаолияти ҳам остеохондроз кучайишининг сабабларидан бири бўлиб, бу ҳолат катталарнинг 80 фоизига таъсири қилади. Инсон қанчалик кам ҳаракат турмуш тарзини олиб борса, спортга вақт ажратмаса, остеохондрознинг ривожланиш ёки кучайиши хавфи шунчалик юкори бўлади. Чунки юриш ва бошқа жисмоний фаолият минимал дарражага камайтирилса, бел соҳаси янада заифлашади.

Касалликнинг белгилари

Остеохондрознинг ҳам турлари мавжуд. У бўйин умуртқалари, кўкрак қафаси ва бел остеохондрозига бўлинади. Шунга қараб, уларнинг белгилари ҳам фарқланади.

Бўйин умуртқалари остеохондрозининг белгилари:

- боз айланиши;
- бўйин, боз, қўлларда оғриқ;
- бармокларда уюшиш ҳисси;
- кўриш қобилиятининг пасайиши;
- қулоқларда шовқин.

Кўкрак қафаси остеохондрозининг белгилари:

- бел оғриғи;
- кўкрак қафасида қизиш ёки сиқилиш ҳисси;
- қийин нафас олиш.

Бел остеохондрозининг белгилари:

- оёқларда оғриқ;
- пастки бел оғриғи;
- оёқлар ёки бармоклар уюшиши.

Ҳа, остеохондроз кўпинча оғриқлар билан намоён бўлади. Бел-думғаза соҳаси остеохондрозида ўтирганда-турганда, эгилганда белда оғриқ пайдо бўлаверади, улар санчувчи, куйдирувчи ва ачиштирувчи хусусиятга эга. Ушбу оғриқлар оёқнинг орқа-ён юзаси бўйлаб тарқалади. Баъзи bemorlarнинг бели қийшайиб қолади. Бўйин умуртқалари ва кўкрак қафаси остеохондрозида оғриқлар бўйин, энса, кўкрак соҳасида пайдо бўлиб, елка ва қўлларга тарқайди. Бемор бўйини турли томонларга бурганди, елкаси ёки қўлларини кўтарганда оғриқлар пайдо бўлади ёки кучаяди. Беморнинг нафас олиши қийинлашади, кўкракда сиқилиш ҳисси пайдо бўлади.

Бўйин умуртқалари остеохондрози кучлироқ намоён бўлса, боз мия томон йўналган кон томирлар эзилиб, боз айланишлар ва чайқа-

либ юришларни юзага келтириши мумкин.

У диск чуррасига олиб келадими?

Умуман олганда, диск чурраси – бу остеохондроз. Бирок белдаги оддий радикулит ёки остеохондроз сабаби пайдо бўлган оғриқларни дардор диск чурраси билан боғлаш керак эмас. МРТда аниқланган кичик ҳажмдаги диск чурралари ҳам хавфли эмас. Бемор сузишга қатнаса, умуртқани чиниқтируви маҳсус машқларни бажарса, текис ва равон жойда ётса, турнида тортилиб турса, бу ҳолатлар тез ўтиб кетади. Оғриқ кучсиз бўлса, радикулит, кучли бўлса, диск чурраси деб ҳисоблаш ҳам хотўри. Шунинг учун бу касалликни даволаш учун аввало, тажрибали шифокорга бориши маслаҳат берамиз. Малакали шифокорлар бу касалликка рентген орқали ҳам бемалол ташхис қўяди. Диск чуррасига гумон қилинсанга, КТ ёки МРТ текшируви ўтказилади.

Софайиш мумкин!

Шифокор кўрсатмаси ҳамда таҳлил натижаларига кўра, касаллик ҳолати аниқланиб, тегишли муолажа тури тайинланади. Булар оғриқни қолдирувчи, яллигланишга қарши дори-дармонлар, физиотерапия муолажалари ҳамда даволаш гимнастикаси кўринишида амалга оширилади. Оғриқ хуруж қилган вақт иситиш муолажалари, иссиқ ванна, уқалаш ҳаракатларини бажариш тавсия этилмайди. Бундай пайтада ҳаракатни чеклаш ва қаттиқ ўринда ётиш керак. Аммо касалликнинг ривожланиш хавфни камайтириш ёки уни бартараф этиш учун қийидаги қоидаларга ҳам амал қилиш керак.

Иш жойини тўғри ташкил этиш

Курси қуляй бўлиши керак, лекин жуда юмшоқ эмас. Агар фақат текис орқа томони бўлган стуллар ёки креслолар мавжуд бўлса, бел учун маҳсус рулонлар кўйиш мумкин. Компьютер ёки ноутбук мониторининг маркази кўзга тўлиқ қарама-қарши бўладиган тарзда жойлаштирилади. Бу умуртқа поғонасидаги эгрилик ва стрессдан ҳимоя қилади.

Иш вақтида танаффус қилиш

Ҳар соатда ишни тўхтатиш ва камида беш дақиқани озгина дам олиш учун ажратиш лозим: бошни эгиш, столдан туриш, танани чўзиш ва бошқа машқларни бажариш.

Тўғри дам олиш

Чалқанча ухлашга ҳаракат қилиш, агар бунга кўниши қийин бўлса, ён томонларга катта ёстиқ ёки кўрпачаларни қўйиб қўйиш ўйқуда ағдарилиб кетишга йўл қўймайди. Шунингдек, кўрпача ўта юмшоқ бўлмаслиги керак.

Яна ҳар кунги бадантарбия машқларини канда қилманг. Эрталаб 15-20 дақиқалик жисмоний машқлар учун вақтингизни аямсангиз, турли муаммолардан холи бўласиз. Қолаверса, сувда сузиш машғулоти ҳам умуртқа поғонаси қийшайишининг олдини олиши билан эътиборлидир. Шу билан бирга ракс ҳаракатларини бажариш ҳам катта наф беради. Кун давомида камҳаракатлилик ва бир жойда узоқ ҳаракатсиз ўтиришдан сақланинг.

Keyingi yillarda O'zbekiston Respublikasi
mudofaasiga ko'maklashuvchi
"Vatanparvar" tashkilotining Xorazm
viloyati kengashi tasarrufidagi Qo'shko'pir
tumani o'quv sport-texnika klubida
yoshlarning jismoniy va ma'naviy yetuk
bo'lishlariga alohida e'tibor qaratilmoqda.
Shu bois ayni maqsadga xizmat qiluvchi
chora-tadbirlarning izchil ijrosini
ta'minlashga erishilmoqda.



Bu boradagi tadbirlar, ayniqsa "Yangi O'zbekiston – yoshlar mamlakati" shiori ostida o'tkazilayotgan "Yoshlar oyligi" doirasida yanada samarali bo'ldi. Jumladan, Yoshlar kuniga bag'ishlab, hamkor tashkilotlar ko'magida bir qancha ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirlari tashkil etildi.

– Yoshlarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarga daxldorlik hissini oshirish va ularni ona Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash maqsadida o'tkazilgan tadbirdarda bir yarim ming nafardan ziyod o'quvchi faol ishtirok etdi, – deydi O'STK boshlig'i Mansurbek Bobojonov. – Uch avlod uchrashuvni, ochiq eshkilar kuni kabi tadbirdar davomida ishtirok etgan turli soha vakillari yurtimizda yoshlar uchun yaratilayotgan sharoitlar hamda mavjud imkoniyatlardan unumli foydalanish to'g'risida muhim tavsiyalarni berdilar. Bunday tadbirdardan ko'zlangan asosiy maqsad, kelgusida yoshlarning barkamol shaxslar sifatida tarbiyalanishlariga munosib hissa qo'shishdan iborat. Shu bois bunday ishlar ko'laminı yanada oshirish maqsadida harbiy-vatanparvarlik targ'iboti faol tarzda olib borilmoqda. Bu borada yoshlarni sportning texnik va amaliy turlariqa ialb etgan

KAMOLOTGA MUNOSIB HISSA

holda, ko'rgazmali tadbirlar va sport musobaqalarini tashkil etish ham muhim jarayonlardan biridir. Ayni paytda klub qoshida "Havo miltig"idan o'q otish", "Yozgi biatlon" hamda "Duatlon" kabi seksiyalar faoliyati yo'lga qo'yilgan. Bu to'garaklarga oltmishe nafarga yaqin iqtidorli yosh jalb qilingan. O'z navbatida, qo'shko'pirlik sportchi yoshlari mamlakatimiz miqyosidagi musobaqalarda faol ishtirok etib, yuqori o'rinnlarni qo'lga kiritmoqda.

Ayni paytda klubda bo'lajak haydovchilarning malakasini oshirish, ularning o'quvini tashkil etish

borasida ham bir qancha amaliy ishlar qilinmoqda. Buning uchun mashg'ulotlar o'tkaziladigan avtodrom, o'quv binosidagi sinfxonalar zamон talablari asosida jihozlandi. Bu esa, o'z navbatida, klubda "B", "BC", "BE" hamda "CE" toifali haydovchilar tayyorlashda qulay imkoniyatlarni yaratdi. Natijada o'quv-mashq avtomobilari, o'quv auditoriyasi, ma'naviyat va kompyuter xonalari, elektron o'quv qo'llanmalaridan samarali foydalaniлоqda.



Fursatdan foydalanib, "Vatanparvar" tashkiloti Qo'shko'pir tumani o'quv sport-teknika klubi jamoasi 27-iyun — Maibutot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni munosabati bilan sohaning barcha xodimlarini muborakbos etadi. Hurmatli soha xodimlari va harbiy jurnalistlar, kasb bayramingiz qutlug' bo'lsin!

Ishingizga omad va ijodiy barkamollik tilaymiz!

Yosh avlodning
ma'naviyatini
yuksaltirish hamda ularni
harbiy-vatanparvarlik
ruhida tarbiyalash
borasida O'zbekiston
Respublikasi mudofaasiga
ko'maklashuvchi
"Vatanparvar"
tashkilotining Samarqand
viloyati kengashi
tasarrufidagi Bulung'ur
tumani o'quv sport-
texnika klubi jamoasi
tomonidan ham ko'plab
xayrli ishlar amalga
oshirilmogda.



Xususan, harbiy-vatanparvarlik g'oyalarini targ'ib etish, ommaviy kasb mutaxassislarini tayyorlash hamda sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish borasidagi yutuqlar shular sirasidandir. Bu boradagi ishlar ko'lamini oshirish maqsadida klubda "Yoshlar oyligi" doirasida tuman hokimligi, harbiy qismlar, mudofaa, maktabgacha va maktab ta'limi bo'limgari, Yoshlar ishlari agentligi, ma'naviyat va targ'ibot markazi tuman bo'limgari bilan hamkorlikda qator tadbirlar amalga osbirildi.

— Jumladan, “Yangi O’zbekiston yoshlari, birlashaylik!” shiori ostida yoshlarning Vatanga bo’lgan sadoqatini oshirish maqsadida ma’naviy-ma’rifiy va sport tadbirlari tashkil etildi, — deydi O’STK boshlig'i Shokirjon Xudoyberdiyev. — Bunday tadbirlarni o’tkazishdan maqsad yoshlarimizni ona yurtimizga munosib vatanparvar insonlar be’lib kamol topishlariga ko’imakloshchidagi iberat.

Ayni paytda klubda faoliyat yuritayotgan “Havo miltig”idan o’q otish”, “Aviamodel” hamda “Motosport” kabi to’garaklar faoliyati zamон тараблари асосида ташкил этилган. Бу сексионларда о’tтиз нафардан ортиқ юш мунтазам шуг’ullanib kelmoqda. Туман юшлари вилоят ва мamlакат miqyosida o’tkazilayotgan musobaqlarda faol ishtirot etmoqda. Masalan, klub a’zolaridan Samandar Anorboyev hamda Matluba Abdurahimova o’q otish bellashuvlariда ishtirot etib, вилоят musobaqlarida faxrlı o’tinlarni go’lga kiritdi.

MAQSADIMIZ – YOSHLAR

MA’NAVIYATINI YUKSALTIRISH



*“Vatanparvar” tashkiloti
Bulung’ur tumani o’quv sport-
texnika klubi jamoasi barcha
yurtdoshlarimizni muborak
Qurban hayiti munosabati
bilan samimiyl tabriklaydi.
Ushbu ayyom xonadoningizga
fauz-u baraka olib kelsin!*

Shu kunlarda klubda "A", "B", "BC", "BE", "CE" hamda "D" toifali haydovchilar tayyorlash ishlari yo'lga qo'yilgan. Buning uchun O'STKda bo'lajak haydovchilarga avtomototransport vositalarining tuzilishi va ulardan foydalaniш ko'nikmalarini puxta egallab olishlari uchun zamonaviy o'quv-mashg'ulot xonalari tashkil etilgan.

Bundan tashqari, yoshlarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash maqsadida ham tashkilotda muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. Chunonchi, tumandagi "Yoshlar daftari" ro'yxtigiga kiritilgan Alisher Navoiy nomidagi mahallada yashovchi 37 nafar yosh imtiyoz asosida "BC" toifali haydovchilik kurslarida ta'lim olmoqda. Ular uchun klubda barcha shart-sharoitlar yaratilgan.

Otryadning ilk xalqaro yutug'i

2022-yilning mart oyida Prezidentimizning Mudofaa vazirligi huzuridagi "Vatan tayanchi" bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori qabul qilingan edi. Qisqa vaqt ichida respublikamizning barcha umumta'lum maktablarida "Vatan tayanchi" otryadlari o'z faoliyatini boshladi va davlatimiz rahbari tomonidan yoshlarga bildirilgan ishonch mamlakatimiz hamda xalqaro miqyosda o'z mevasini bera boshladi.



O'tgan vaqt davomida umumta'lum maktablarida faoliyat ko'ssatoyotgan yoshlardan otryadiga 21 nafar o'g'il-qiz a'zo bo'lib, ularga maxsus ko'krak nishonlari topshirildi. Egniga harbiy libos kiyib, bunday ko'krak nishoniga ega bo'lgan yigit-qizlarning qalbida Vatanga sadoqat, ko'zida jasorat, ongida buyuk ajdodlar xotirasiga hurmat hissi kuchaygani amalda o'z isbotini topmoqda.

Tengdoshlari erishayotgan yutuqlarga havasi kelgan yoshlardan o'tasida "Vatan tayanchi" otryadiga a'zo bo'lish an'anaga aylanib bormoqda.

Nega deysizmi? Keling, negaligini ilk bor xalqaro musobaqada qatnashib, yuqori natijaga erishgan yoshlardan misolida bilib olamiz. 24-iyundan 25-iyunga o'tar kechasi. Toshkent xalqaro aeroporti. Yuzlab hamyurtlarimiz xorijdan uchib kelayotgan yaqinlarini intizorlik bilan kutib turishibdi.

Ularning ko'pchiligini Mudofaa vazirligi harbiy xizmatchilari, harbiy orkestr jamoasi, faxriylar, harbiy sportchilar, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi xodimlari tashkil etadi. Ular Qozog'iston Respublikasi Qarag'andi viloyatida bo'lib o'tgan IX xalqaro "Aybin" harbiy-vatanparvarlik musobaqasi ishtirokchilari bo'lmish "Vatan tayanchi" otryadi qahramonlarini qutlash uchun peshvoz chiqqan.

Nihoyat, aeroport chiqish yo'lagidan qo'lidi, ko'ksidagi sovrinlarini ko'z-ko'z qilgancha, yosh vatanparvar o'g'il-qizlar chiqib kelishdi. Shundoqqina kutish maydonida saflangan xalqaro musobaqa qatnashchilarini mudofaa vaziri o'rinnbosari general-major Hamdam Qarshiyev, maktabgacha va maktab ta'limi vaziri o'rinnbosari Dilshod Kenjayev, faxriylar erishilgan natija bilan qutladi. Umumjamoa hisobida kelajagimiz

tayanchlari IX xalqaro "Aybin" harbiy-vatanparvarlik musobaqasida ikkinchi o'rinni egallab qaytishdi. Jamoaning to'qqiz nafar a'zosi esa shaxsisi yo'nalishda musobaqa g'olibligini qo'lga kiritdi. Tantanali kutib olish marosimida g'oliblarga atalgan guldastalar taqdim qilindi.


Shunisi e'tiborliki, kutib olish marosimidagi bayramona kayfiyat aeroportga kelgan boshqa hamyurtlarimizga ham olamolam quvonch bag'ishladi. Avvaliga harbiy xizmatchilar va Qurolli Kuchlar akademiyasi kursantlaridan "Kimni bu tarzda tantanali kutib olyapsizlar?" deya so'raganlar darhol o'zlarini qiziqtirgan ma'lumotga ega bo'lishdi. "Otasiga rahmat, barakalla, yutuqlari bardavom bo'lsin!" deya olqishlagan holda, ularni havas bilan foto hamda videosuratga olishdi.

Fazliddin CHORIYEV



MUDOFAAKA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKILOTLARIDA

KO'RGAZMALI TADBIR VA MUSOBAQALAR



Yoshlarnimiz qalbida vatanparvarlik hissini uyg'otish va mustahkamlash alohida ahamiyatga molik masala. Shu bois ham yurtimizda yoshlardan ma'naviyatini yuksaltirish hamda ularni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga muhim e'tibor qaratilmoqda. Bu boroda O'zbekiston Respublikasi mudofaafiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Sirdaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Sardoba tumani o'quv sport-texnika klubida ham muayyan ishlardan amalgalash uchun oshirilmoqda.

Xususan, mazkur klubda ham mamlakatimiz miqyosida o'tkazilayotgan "Yoshlardagi olyig'i" doirasida "Yangi O'zbekiston - yoshlardagi mamlakati" shiori ostida turli ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirlari tashkil etildi.

Tuman terma jamoasini shakllantirish hamda ularning viloyat va respublika musobaqalaridagi natijalarini yanada yaxshilash bo'yicha salmoqli ishlardan qilindi, - deydi O'STK boshlig'i Faxriddin Nazarov. - Chunonchi, sport to'garaklari ishlari yo'lgan qo'yish, musobaqalar tashkil etishga alohida e'tibor qaratildi. Shu bilan bir qatorda, klub moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, xo'jalik hisobidan topilgan mablag'larni sport inventarlari va jihozlarini xarid qilishga qaratish uchun keng imkoniyatlar yaratildi.

Ayni paytda O'STK qoshiida "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biathlon" va "Duathlon" kabi sport seksiyalarida mashg'ulotlar olib borilmoqda. Shu kunlarda o'ttiz nafardan ortiq o'smir sport to'garaklari jaib qilingan. Ular bilan doimiy ravishda tajribali sport murabbiylari mashg'ulot olib boradilar. Bu esa, o'z navbatida, sportchi yoshlarning muntazam shug'ullanishlari uchun qulay imkoniyat yaratmoqda.

Shuningdek, klubda yoshlarni mehnat bozorida ehtiyoj yuqori



bo'lgan kasblarga o'qitishni ta'minlash borasida ham amaliy ishlardan qilinmoqda. Tumandagi "Yoshlardagi daftari" ga kiritilgan yigitlarning bir qanchasi vulkanizatorchilik yo'nalishida tahlil olmoqda. Ma'lumki, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularni sportning texnik va amaliy turlariga jaib etgan holda, ko'rdezmal tadbirlar va sport musobaqalarini tashkil etish ham muhim jarayonlardan biridir. Shu bois O'STK jamoasi tumandagi hamkor tashkilotlar bilan birgalikda turli




"Vatanparvar" tashkiloti Sardoba tumani o'quv sport-texnika klubini jamoasi soha xodimlarini

27-iyun - Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni hamda barcha yurtdoshlarimizni muborak Qurbon hayiti munosabati bilan samimiy tabriklaydi.

Sizlarga sihat-salomatlik, oilangizga tinchlik-xotirjamlik tilaymiz!

ma'naviy va sport tadbirlarini muntazam o'tkazib kelmoqda.

Bundan tashqari, faoliyatning muhim yo'nalishlaridan biri malakali haydovchi mutaxassislar tayyorlashdir. Shu kunlarda 300 nafarga yaqin "B", "BC" toifali haydovchi tayyorlangan bo'lsa, yana bir necha guruhda tinglovchilar o'qish mashg'ulotlarini davom ettirmoqda. Buning uchun tashkilot yetarli o'quv-moddiy bazaga ega. Barcha kerakli qurilmalar hamda zamonaviy transport vositalari bilan ta'minlangan.





ҲАМЖИХАТЛИК, ЯНГИ МАРРАЛАР



Тошкент. Эрталабки 6:00. Минглаб спортсевар ҳамюрларимиз «Humo Arena» мажмуаси олдидағи майдонда Марказий Осиёдаги энг катта – «Янги нафас» ҳалқаро марафони ҳамда «Ватан қалқони» ҳарбий-ватанпарварлик оммавий югуриш мусобақасыда иштирок этиш учун жам бўлиши.

«Бир Ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда, бирга югурамиз!» шиори остида ўтказилган югуриш марафонига ана шундай ўзига хос ном берилгани бежиз эмас. Зеро оммавий спорт тадбирлари кишига жисмоний қувват, саломатлик ато қилиши баробарида юртдошларимизнинг ягона мақсад йўлидаги ҳамжихатлигини, янги-янги мэрраларга интилаётган ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини ҳам намойиш этади.

Ҳалқаро Олимпия куни ва Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган мазкур марафонда илк бора Қозоғистон, Қирғизистон ва токикистонлик югурувчилар ҳам қатнашиш истагини билдиришиб. «Янги нафас» оммавий югуриш мусобақаси юртимизнинг 16 та шаҳрида бир вақтнинг ўзида ўтказилиб, унда жами 50 мингдан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби, Ўзбекистон триатлон федерацияси раиси Виктор Маҳмудов, Ёшлар сиёсати ва спорт вазири Адҳам Икрамов, Миллий Олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов бу каби оммавий спорт тадбирлари мамлакатимизда



илгари сурилаётган соғлом турмуш тарзи кўнкимларини оммалаштириш баробарида элу юрт манфаати йўлида бир мақсад сари интилиш хиссини кучайтиришга, ёшларни бирлаштиришига хизмат қилишини таъкидлади.

Шундан сўнг беллашувларга старт берилди. Унда минглаб ҳаваскор ва профессионал спортичлар 1 мил (1,61 км), 3 км ва 10 км.лик масофалардан бирини танлаб, баҳсга кириди. Мусобақанинг яккалик баҳсларида Мудофаа вазирлиги Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ оддий аскари Ҳасанбой Мирсоатов З км.лик йўналишида ҳамда Тошкент ҳарбий округи оддий аскари Отабек Тошқувватов 10 км.лик йўналишида марра чизигини биринчилардан бўлиб кесиб ўтишиб. Шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида кечган баҳсада Қуроли Кучлар академияси биринчиликни эгаллаган бўлса, жамоавий баҳсларнинг 3 км йўналишида Мудофаа вазирлиги терма жамоаси шоҳсупанинг олий ўрнини қўлга кириди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ҳудудларда ўтказилган «Янги нафас» мусобақасининг одилона ва шаффоғ тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси томонидан тайёрланган 250 нафар малакали ҳакам ва мураббий ҳамда 300 нафарга яқин кўнгилли жалб этилди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog’lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

